Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 15 май, чоршанба • № 38 (10.813) • Эркин нархда сотилади

ЙЎЛЛАР ВА ДИЛЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Машҳад шаҳри, 13 май, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири Насриддин Муҳаммадиев хабар қилади:

Кеча кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Машҳад — Серахс — Тажан темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрига келди.

Машҳад аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳга — куни кеча ишга тушган замонавий «Ҳумо» меҳмонхонасига йўл олди. Ўзбекистон раҳбарининг сафарига Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош Вазир ўринбосари Р. Юнусов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси раиси Н. Эрметов ва бошқа расмий кишилар хамроҳлик қилмоқдалар.

Энди икки оғиз Машҳад шаҳри ва ишга тушадиган янги йўл ҳақида. Машҳад Эроннинг энг йирик — Хуросон вилояти маркази. Бу қадимий шаҳар асрлар давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё билан узвий алоқада бўлган. Айниқса, Амир Темур Кўрагон, Шоҳруҳ Мирзо, Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган йилларда бу шаҳар йирик маданий ва иқтисодий марказга айланган. Шаҳарда ўнлаб масжидлар, мадрасалар, хонакоҳлар барпо этилган. Бу ишларга буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам катта ҳисса қўшган. Шаҳар кўчаларидан бири Амир Алишер Навоий номи билан аталаётганлиги қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Шоҳруҳ Мирзонинг рафиқаси, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим қурдирган улуғвор мадраса ҳамон шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Мадраса ва унинг ёнида қад кўтарган Имом Ризо мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан гавжум.

Шўролар иттифоқи даврида чегараларга «темир қулф» урилгач, бошқа ҳудудлар сингари Хуросон вилояти билан ҳам алоқалар узилиб қолган эди. Истиқлол шарофати туфайли, қадимий карвон йўллари қайта тикланмоқда. Туркманистон, қолаверса Марказий Осиё республикалари билан Эрон темир йўлларини туташтирадиган Машҳад — Серахс — Тажан йўлининг ишга туширилиши бунинг ёрқин мисолидир. 295 километрлик янги йўлнинг очилиши билан Марказий Осиё мамлакатлари Форс кўрфазига чиқадиган энг яқин йўлга эга бўладилар. Айни пайтда у Стамбул — Пекин трансосиё темир йўлининг таркибий қисми бўлиб қолади. Натижада Ғарбий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги юк ташиш муддатлари бир ҳафтага қисқаради.

Айрим Осиё мамлакатларида Ғарбий ва Европага бориш йўли эса 10-15 минг километрга камаяди.

Шу сабабли бу воқеага Ғарбда ҳам, Шаркда ҳам қизиқиш катта. Йўлнинг очилиш тантаналарида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо бўлган Эрон, Покистон, Туркия, Озарбайжон, Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ҳамда ўнлаб давлатлардан таклиф этилган расмий ҳайъатлар иштирок этмоқда.

Кеча Ислом Каримов ўз қароргоҳида Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди. Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамда имзоланиши мўлжалланаётган тўрт томонлама шартнома хусусида фикрлашиб олинди. Маълумки, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасида имзоланадиган бу шартномада Қора денгиз портларига борадиган янги транспорт йўлини очиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бугун тантаналар Машҳад шаҳри, темир йўл вокзалидан бошланди. Бу ерда янги йўл шарафига бағишланган ёдгорлик тахтасининг очилиш маросими бўлди. Маросим якунида биринчи поезд янги изларда сафарга чиқарилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва тантаналарда иштирок этаётган бошқа давлат бошлиқлари махсус самолётда Эроннинг Серахс шаҳрига жўнаб кетдилар.

ҚАДИМИЙ КАРВОН ЙЎЛЛАРИДА

Ашгабат, 14 май, «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири Насриддин Муҳаммадиев хабар қилади.

Асрлар давомида Шарқ мамлакатлари бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Улар ўртасида тўхтовсиз қатнаб турган карвонлар озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар билан бирга маданият ва маърифат ҳам тарқатганлар. Зеро, бу карвонлар билан бирга илғор ғоялар, фан ютуқлари, нодир китоблар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиб турган. Марказий Осиё мамлакатлари истиқлолга эришиб тараққиётнинг бозор иқтисоди шаклини танлагач, қадимий карвон йўлларини тиклаш эҳтиёжи туғилди. Мамлакатимиз бу ғоянинг ташаббускорларидан бўлди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Машҳад — Серахс — Тажан темир йўлининг очилиши тантаналарида қатнашаётган давлатлар раҳбарлари билан бирга Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳридан Туркманистон билан чегарадош Серахс шаҳрига келишди. Бу ерда янги халқаро аэропортнинг ишга туширилиши муносабати билан ёдгорлик тахтасининг очилиш маросими бўлди.

Маросимдан сўнг Ислом Каримов ва бошқа давлат ҳамда ҳукуматлар раҳбарлари махсус автобусларда Серахснинг эркин иқтисодий ҳудудига йўл олдилар. Бу ерда Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳошимий Рафсанжоний, Туркманистон Республикаси Президенти С. Ниёзов, Туркия Республикаси Президенти С. Демирэл нутқ сўзлаб, янги йўлнинг очилиши Марказий Осиё ва кўпгина Шарқ давлатлари иқтисодий равнақида муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидладилар. Эрон ва Туркманистон транспорт вазирлари янги йўлнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб ўтдилар. Икки мамлакат энергетика ва сув хўжалиги вазирлари чегарадаги Ҳарируд дарёсида қуриладиган янги тўғон хусусида ахборот беришди. Шундан сўнг меҳмонлар Серахс эркин иқтисодий ҳудуди ва савдо-саноат кўргазмасини томоша қилишди.

Давлат ва ҳукумат бошлиқлари қисқа дам олишдан сўнг махсус поездда чегарадаги кўприкка етиб келишди. Эрон ва Туркманистон Президентлари икки мамлакат темир йўллари уланганлигидан далолат берувчи тасмани қирққач, меҳмонлар тушган поезд кўприкдан ўтиб, Туркманистоннинг Серахс шаҳрига жўнади. Шу тариқа темир йўл воситасида икки Серахс бир-бири билан узвий боғланди.

Шуни таъкидламоқ жоизки, Машҳад — Серахс — Тажан йўлининг Туркманистон ҳудудидан ўтувчи 132 километр масофадаги қурилиш ишларида ўзбекистонлик йўлсозлар ҳам фаол иштирок этишди.

Тантаналар Туркманистон заминида ҳам давом этди. Серахс шаҳри вокзалида янги йўлнинг очилишига бағишланган митинг бўлди. Унда Туркманистон Президенти йиғилганларни бу муҳим воқеа муносабати билан қутлади. Вокзал биносида ёдгорлик тахтаси очилди.

Яна бир эътиборга молик воқеа шу бўлдики, бу ерда Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида шартнома ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш сохасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Бу ахдлашувлар Ўзбекистондан жўнатиладиган юкларни Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия орқали Қора денгиз портларига етказишни осонлаштиради. Натижада хорижий мамлакатлар билан савдонинг яна бир йўли очилади.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) га аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга Ашгабатга етиб келди. Бугун ЭКО доирасидаги учрашувлар бошланди. Маълумки, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётган бу халқаро ташкилот 1977 йилда Покистон, Эрон ва Туркия томонидан таъсис этилган. Кейинги йилларда унга Афғонистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларининг аъзо бўлганлиги бу ташкилот мавқеини янада оширди. Эндиликда ЭКО ана шу 10 давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўлида фаолият олиб бораяпти.

Ўзбекистон ЭКО га 1992 йилнинг 6 февралида аъзо бўлган. Аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви 4-марта ўтказилмоқда. Бу сафар ташкилот олдида турган долзарб вазифалар билан бирга унинг фаолиятини қайта қуриш муаммоси муҳокама қилинмоқда.

Бугун эрталаб ЭКОга аъзо давлатлар бошлиқлари Туркманистон Президенти саройида учрашиб, кўриладиган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Сўнгра, Туркманистон Миллий боғида дўстлик ва ҳамкорлик рамзи сифатида дарахт кўчатлари ўтказилди.

ЭКО га аъзо давлатлар раҳбарларининг тўртинчи учрашуви Ашгабат шаҳри жанубида қад кўтарган муҳташам меҳмонхоналар қаторидаги мажлислар залида очилди. Уни ташкилотнинг ҳозирги раиси Шамшод Аҳмад очди. Шундан сўнг, Туркманистон Президенти С. Ниёзов учрашув иштирокчиларини муборакбод этди. Анъанага кўра, барча аъзо давлатлар раҳбарларига қисқа нутқ учун бирин-кетин сўз берилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқи катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ислом Каримов ўз нутқида ЭКО фаолиятини ижобий баҳолаш билан бирга, айрим давлатлар вакиллари ташкилот минбаридан сиёсий ваъзхонлик мақсадида фойдаланишга уринаётганини кескин қоралади. ЭКО сиёсий ташкилот эмас, у аъзо давлатларнинг иқтисодий равнаки, ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилиши керак, деди Ўзбекистон Президенти ўз нутқи пировардида.

Танаффус пайтида Ислом Каримовни хорижий журналистлар саволга тутишди. ЭКО доирасидаги алоқалар, МДҲ ва ЭКО, Ўзбекистоннинг халқаро денгиз йўлларига чиқиши хусусида сўралган саволларга батафсил жавоб олишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти И. Каримов ўз қароргоҳида Покистон Президенти Фаруқ Аҳмад Легхарийни қабул қилди. Суҳбат давомида икки томонлама муносабатлар, ЭКО доирасида ҳамкорлик алоқалари, минтақаларо хавфсизлик масалалари хусусида гаплашиб олинди.

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 13 май куни халқ депутатлари Қибрай тумани кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди.

Акбарали Йўлчиев Тошкент тумани ҳокими этиб тайинланганлиги муносабати билан Қибрай тумани ҳокими вазифасидан озод этилди.

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан шу тумандаги «Қизил шалола» тажриба хўжалиги директори бўлиб ишлаб келган Мирзамашроп Раззоқович Кўчиев Қибрай тумани ҳокими этиб тайинланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев нутқ сўзлади.

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

ЧИНОЗ тумани ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, фахрийлар кенгаши ёшларни аскарликка кузатиш кунини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Туман мудофаа ишлари бўлимининг кенг майдони белгиланган вақтда чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари, ёру-биродарлари билан гавжум бўлди. Чақирилувчилар кунида ота-оналар номидан Маннон Жалилов, Отақўзи Саидаҳмедовлар сўзга чиқишиб, Ватаннинг муносиб қўрикчилари бўлишликда ўғлонларга оқ йўл тилашди.

Тантанада чақирилувчиларга ҳокимликнинг совғалари топширилди.

Ҳусанбой АВВАЛОВ.

БУГУН — ФЕРМЕРЛАР ДАЛАСИДА

— Меҳнати унумли бўлган, ўз ишидан маънавий қониқиш ҳосил қилган одамнинг чеҳраси ҳамиша очиқ, кайфияти чоғ бўлади. Шундай эмасми, йигитлар, - дейди Зангиота туманидаги Акмал Икромов номли фермалар уюшмаси «Соҳибкор» фермери Нажмиддин Хўжаев, — ўз аъзолари — бригадир Умар Нурматов, Зоир Сафоев, Фазлиддин Хўжаев, Дониёр Икромовлар билан ҳол-аҳвол сўрашар экан.

— Бўлмасам-чи, — жавоб беришади йигитлар.

— Кўриниб турипти, — дейди хурсанд бўлиб Нажмиддин ишни уйқусида босибсизларда, анча гектар майдондаги карамни ҳам чопиқдан чиқариб қўйибсизлар.

Иссиқхонада ҳам кўчатлар етилиб кетма-кет тайёр бўлаяпти. Таня Козлованинг меҳнатини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатса бўлади. Помидор кўчатларини экиш барвақт бошланди.

Болғар гармдориси ниҳоллари ҳам яхши ўсяпти.

Уюшма аъзолари механизатор Рашид Ўнгаров номини, айниқса, фахр билан тилга оладилар. У тажрибали механизатор сифатида ерни экишга тайёрлаш, парвариш ишларидан тортиб, йиғим-терим даврида ҳам фаоллик кўрсатади. Ўзига ўхшаган бир неча миришкор шогирдларни ҳам тайёрлаб чиқарди.

Дарҳақиқат, ер, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топган жойда, фермерлар даласида чиндан ҳам ибратли ишлар амалга оширяпти.

— Ҳаммаси бўлиб 228 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Шундан 73 гектар ерда боғ, 80 гектар ерда узумзор бор, — дейди Нажмиддин, — мевадан мўл ҳосил олишни кўзлаяпмиз. Салкам 60 гектар майдондаги далада эртаги сабзавотлар билан бирга кечки сабзавотлар ҳам етиштирилади.

Эл маъмурчилиги, юрт фаровонлиги йўлида тиним билмай, қуйиб-ёниб меҳнат қилаётган фермерлар даласида кун сайин иш авж олмоқда.

Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Суратли лавҳа

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Қибрай туманида яна бир гузар ишга тушди. Унинг афзалликлари шундан иборатки, бу ерда рўзғор учун зарур маҳсулотларни харид қилиш билан бирга турли маиший хизмат шахобчалари хизматидан фойдаланишингиз ҳам мумкин. Бозор ва хизмат уйлари ёнма-ён жойлашган. Суратда: гузарнинг умумий кўриниши.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳамкорлик робиталари

«КОКА-КОЛА» КЎПАЙМОҚДА

Ғалаба куни «Кока-кола ичимлиги» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси учун қўшалоқ байрам бўлди: бу машҳур ичимлик ишлаб чиқариладиган яна бир завод ишга тушди. У Қибрайдаги чанқоқбосди ичимликлар комбинати ҳудудида жойлашган. Қўшма корхона бу ердан жой сотиб олган эди. «Кока-кола» ишлаб чиқарадиган корхонанинг иккинчи навбатини таништирув маросими бўлди. Унда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов нутқ сўзлаб, икки йил аввал фаолият бошлаган Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётганини қайд этди. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ бутун ўтган йилдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқилган.

Таништирув маросимида вазирликлар, идораларнинг, «Озиқ-овқатсаноат» уюшмасининг раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари иштирок этди.

Америка томони етказиб берган янги линиянинг ишга туширилиши билан бу ичимликни ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайиб, бир йилда 40 миллион декалитрдан ошади. «Кока-кола» стандарт шиша ҳамда бир ярим литрлик полимер идишларга қуйиб чиқарилмоқда. Қўшма корхона мутахассисларининг фикрича, республикамизда бу ичимликка бўлган талабни қондириш ҳамда «Кока-кола ичимлиги» маҳсулотларини чет элларга чиқариш мақсадида ҳамкорлик бундан буён ҳам давом эттирилади.

(ЎзА мухбири).

ЧАНГТЕПАДА БОҒ-РОҒЛАР

ИЛГАРИ Ўртачирчиқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг қоқ марказида жойлашган бу тепалик чиқиндихона бўлиб ётган эди. Унинг ёнгинасидан Ангрен дарёси шовуллаб оқиб ўтишига қарамай, катта йўл ёқасидаги бу ҳудудни ободонлаштиришга эътибор берилмасди. Кейинги пайтда Чангтепанинг чиройи ўзгариб қолди. Бу ерда бошқарув раиси ташаббуси билан урушда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатиш учун жой ҳозирланди. Шаҳид кетганлар сони аниқланиб, мармар тошга исми-шарифлари ёзилди. Ёдгорлик атрофига турли мевали дарахтлар ўтқазилиб Ангрен дарёсидан сув чиқарилди. Энди бу жой фахрийлар, келин-қуёвлар, мактаб ўқувчиларининг бинойидек зиёратгоҳига айланади. Чангтепанинг обод бўлганлигидан жамоа хўжалиги аҳли беҳад миннатдор.

Саид ВАЛИЕВ.

ДОРИХОНАЛАР ВА НОН ДЎКОНИ ОЧИЛДИ

Юқоричирчиқ туманининг маркази Янгибозор шаҳри кундан-кунга чирой очмоқда. Аҳоли гавжум маҳалла ва бекатларда маиший хизмат бинолари қад ростламоқда.

Иккита хусусий дорихона ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи бир нечта дўконлар қисқа вақт ичида кўплаб доимий харидорлар орттирдилар. Туман нон ишлаб чиқариш корхонаси жамоасининг ташаббуси билан эса Янгибозор бекати ёнида нон дўкони очилди. Шаҳарликлар кундалик рўзғор учун нон ва нон маҳсулотларини шу жойдан ҳарид қила бошладилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

10 ТА БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

Бозор муносабатларига ўтиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, пул билан боғлиқ бўлган ҳисобкитоб ишларини изчиллик билан йўлга қўйиш банк тизими фаолиятини ҳам кенгайтиришни, жадал суръатда такомиллаштиришни тақозо этяпти.

Бу борада Бўстонлиқ туманида ҳам самарали вақўзга қўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда халқ банкининг жойлардаги ўнта бўлимида ёш ва малакали мутахассислари аҳолига хизмат кўрсатяпти. Жумладан, Боймирзаев номли жамоа хўжалигида, Хўжакент, Думалоқ, эски Ғазалкент қишлоқларида, Ғазалкент шаҳрининг Даҳана маҳалласида халқ банкининг бўлимлари иш бошлади. Натижада минглаб кишилар, айниқса, қариялар, давлатдан моддий ёрдам олувчи оилалар пул маблағларини ўз турар жойларидан оляптилар.

Ҳамидулла ХОЛМАТОВ.

УЧ ЁШГА ТЎЛДИ

ПИЛЛАЧИЛИКДА долзарб даврга бошланди: пилла қуртлари уч-тўрт ёшга кириб, пиллакорларнинг қўли-қўлига тегмай қолди. Бу йил вилоят пиллакорлари 25 минг қути қурт уруғи асрашган.

— Шу ёшида пилла қуртлари жуда ҳам нозик бўлади, — дейди вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бошқармаси ҳосилоти Абдураҳим Азизов. — Пиллахоналардаги ҳарорат муайян даражада бўлиши, қуртларга вақтида барг етказиб берилиши лозим. Шундагина мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Вилоят пиллакорларининг режалари эса катта — ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 50 килограммдан, жами 1100 тонна ҳосил етиштиришмоқчи.

Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йили 325 қути уруғдан 16 тонна атрофида пилла топширган эдилар. Бу йил яна шунча уруғ асрашяпти. Пиллачиликда бой тажриба тўплаган Дурдош Имомова, Муҳаббат Саримсоқова, Шаҳноза Муҳиддинова, Мурод Исмоилов, Баҳром Бегматовларнинг оила аъзолари бу йил ҳам ҳар қути уруғдан 85-90 килограммдан ҳосил етиштиришни кўзлашмоқда. Бекобод туманидаги «Хос» жамоа хўжалигининг илғор пиллачилари Муборак Носирова, Мавлис Бойназаров, Мавлонов номли жамоа хўжалигидан Ширин Қаландарова оиласи ҳам улардан қолишмоқчи эмас.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ: САМАРА ВА МУАММОЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ҳудудида ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб. Ҳамма гап улардан оқилона фойдаланишда қолган. Тошкент кимё-технология институти олимлари бу йўналишда маълум ишларни амалга оширмоқдалар. Улар яратаётган янги технологиялар асосида республика кимё саноатида чиқинди ва маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам кимё мўъжизакор фан, халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўқки, бу фан ютуқлари кириб бормаган бўлсин, — дейди суҳбатдошимиз, Тошкент кимё-технология институти органик кимё кафедраси мудири, профессор Дилмурод Юсупов. — Биз яшаётган замин газ, нефть, газ конденсати, минерал маъданларнинг катта заҳирасига бой. Шу боисдан ҳам республикамизда кимё саноати яхши ривожланган. Ҳозир ўлкамизда йигирмадан ортиқ йирик кимё корхоналари, юзлаб кичик ва қўшма корхоналар ишлаб турипти. Чирчиқ, Олмалиқ, Навоий, Фарғона, Муборак ва бошқа шаҳарлардаги кимё корхоналари фақат Ўзбекистонда эмас, чет элларда ҳам машҳур.

Лекин, кимё корхоналаримиз кейинги йилларда қийинчиликларга дуч келдилар. Атрофдан келадиган хом ашёлар тўхтаб қолди, келтирилаётганлари ҳам жуда қимматга тушмоқда. Натижада кимё корхоналаримиз ярим қувват билан ишлашга ёки бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашишга мажбур бўлдилар. Айримлари эса умуман маҳсулот ишлаб чиқара олмади.

— Шундан кейин ёрдамга олимлар келди, денг...

— Шундай деса ҳам бўлади. Биз маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш йўлларини излай бошладик.

Турли хил тажрибалар ўтказдик. Изланганга толе ёр деганларича бор экан. Ниҳоят Навоий ва Чирчиқ шаҳарлари кимё корхоналари муҳандис-техник ходимлари билан ҳамкорликда саноат чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёлар асосида халқ хўжалиги учун зарур бўлган, лекин шу кунгача чет мамлакатлардан олиб келинган кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

— Баъзи мисолларни келтира оласизми?

— Албатта. Маълумки, оддий резина кимё саноати учун энг қимматли маҳсулот ҳисобланади. Резина бўлса юзлаб техника маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш мумкин. Афсуски, Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент резинотехника буюмлари заводи, «Тошкенткабел» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар фақат четдан олиб келинадиган хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашганди. Агар резина олиш учун қиркдан зиёд бирикмалар зарур бўлса, уларнинг ҳаммаси четдан келтирилади. Республикамиздаги резина-техника корхоналари тўла қувват билан ишлаши учун ҳар йили четдан бир неча минг тоннадан ортиқ каучук ва деярли шунча миқдорда техник углерод (қурум) ташиб келтириш талаб этилади...

— Наҳотки шуларни ўзимизда ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса?

— Иложи бор. Республикамизда табиий газ асосида ацетилин ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Масалан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига бир неча минг тонна ацетилин ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қурилмалар мавжуд. Ацетилин ишлаб чиқариш жараёнида катта миқдорда қурум ҳосил бўлади. Агар уни йиғсангиз бир йилда тўрт минг тоннадан кам бўлмайди. Бу қурум ёки кимё тили билан айтадиган бўлсак — техник углерод охирги пайтларгача сув билан аралаштирилиб, чиқинди сифатида биокимёвий тозалаш иншоотига ташлаб юборилар эди.

Олимларимиз бу масала устида ишлаб чиқариш мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ацетилин олиш технологиясини яратдилар. Янги технологияни қўллаш натижасида республика кимё корхоналарида бир йилда 15 тоннадан ортиқ қурум ажратиб олинди. Бу йил ацетилин қурумидан 200 тонна атрофида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Агар мавжуд чиқиндиларнинг ҳаммаси қайта ишланса мавжуд резино-техника корхоналарининг техник углеродга бўлган эҳтиёжи анчагина қондирилган бўларди. Резина учун зарур бўлган бирикмалардан яна бири каучукларнинг вулканланишини тезлаштирувчи моддалар ҳисобланади. Каптакс ва альтекс деб номланадиган бу моддалар республикамизга узоқ Волгограддан келтирилмоқда. Улар ҳозирги пайтда бизга жуда ҳам қимматга тушаяпти. Кимёгар олимлар бундай ортиқча харажатларнинг олдини олувчи бирикмалар яратиш устида тинимсиз ишлаб, ниҳоят мақсадга эришдилар. Янги технология асосида янги хил бирикмаларнинг тажриба нусҳаси ишлаб чиқарилиб, синовдан ўтказилди. Бу бирикмалар ўз хоссалари билан четдан келтириладиганлардан афзаллик томонлари борлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда бу бирикмаларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Институт олимлари яна қандай йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар?

— Металлнинг умрини узайтириш устида олиб бораётган ишларимиз ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Металлнинг биз учун қанчалик таҳқислиги сир эмас. Ўзбекистон металлургия комбинати республиканинг металлга бўлган эҳтиёжини тўла қондиролмайди. Шундай экан, металлни коррозиядан, яъни занглашдан асраш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Металлни коррозиядан сақлашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Улар орасида ингибитор иштирокида занглашдан сақлаш энг арзон ва самарали усул ҳисобланади.Биз «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чиқиндиси ҳисобланган кротон альдегид ва аммиак асосида хлорид кислотали ва водород сульфидли муҳитда металлни коррозиядан ҳимоя қилувчи янги, юқори самарали ингибитор олиш технологиясини яратдик. Ҳозир бирлашма базасида ингибиторларнинг дастлабки тонналарини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Тадқиқотларимизнинг яна бир йўналиши устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу атроф муҳитнинг экологиясини яхшилашга қаратилган.Шу йўналишда биз «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда чиқинди газлар таркибидан винилхлорид ва ацетилин ажратиб олишнинг қулай технологиясини яратдик. Энг муҳими, бу газларнинг ёниши натижасида ажралиб чиқадиган заҳарли моддалар эндиликда атроф-муҳитни ифлослантирмайди.

Чирчиқ кимёгарлари билан ҳамкорликда яратилаётган янгиликлар ҳам шу минтақанинг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

— Фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни яна да мустаҳкамлаш учун қандай шошилинч чоралар кўриш керак?

— Республикамиз халқ хўжалигини, шу жумладан кимё саноатини ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бевосита кадрлар малакасига боғлиқ. Агар республикамиздаги йирик кимё корхоналари қошида илмий-муҳандислик марказлари ташкил этилса ва уларда етук кимёгар олимлар билан корхона муҳандислари ҳамкорликда ишласалар фан ютуқлари тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиларди.

Бундай марказлар ривожланган давлатлардаги барча йирик корхоналар ҳузурида ташкил этилган. Биз ҳам илғор техника ва технологияни тушунадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга зудлик билан киришишимиз керак. Айниқса, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш устида кўпроқ қайғуришимиз керак. Келажак — бугунги ёшлар қўлида эканлигини унутмаслигимиз керак.

Суҳбатдош Жасур НОСИРОВ.

МЕҲНАТ КИШИСИГА ҒАМХЎРЛИК КЕРАК

Тошкент вилоятидаги Янги Ангрен ГРЭСи ишчилари ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликни доимий равишда ҳис қилиб туришибди. Марказий Осиё минтақасидаги ягона энергетика тизимига кирувчи бу йирик энергия масканида 5 мингга яқин киши меҳнат қилади.

Улкан жамоанинг озиқ-овқатга, саноат молларига бўлган эҳтиёжларини қондириш билан электростанциянинг ишчилар таъминоти бўлими шуғулланади. Айни пайтда энергетиклар яшайдиган Нуробод қўрғони, болалар боғчаси, мактаблар, тиббий хизмат ҳам таъминот бўлимининг диққат марказида туради.

Яқин-яқингача ГРЭСда таъминот ишлари кўнгилдагидек эмас эди. Ўн йил ичида ишчилар таъминоти бўлимида бир қанча раҳбар алмашди, у омборларида мол тиқилиб ётган бўлсада, ўзи тўлов қобилиятига эга бўлмаган ташкилотга айланиб қолди. Ўтган йили ёзда бу ерга Муҳаббат Қаюмова келиши билан аҳвол яхшилана бошлади. Ходимларга ишонч, айни пайтда талабчанлик билан ишлаш услуби ўзини оклади.

Асосий эътибор электр станцияси жамоасининг бевосита эҳтиёжларига қаратилди. Эндиликда корхона меҳнаткашларига хилма-хил озиқ-овқат моллари арзон нархда етказиб берилмоқда. ГРЭС ишчилари улкан савдо растасида ўзларига керакли барча нарсани харид қилиши мумкин. Ошхона ва буфетлар ҳам кўпайтирилди. Ҳаражатларнинг ярмини таъминот бўлими кўтаргани учун хилма-хил иссиқ таомлар имтиёзли нархда сотилади.

Таъминотчилар ишни йўлга қўйиб олгач, қарзларини тўлаб, ташкилотнинг молиявий аҳволини бир мунча яхшилаб олдилар. Таъминот бўлими яқинда мулк шаклини ўзгартириб, очиқ тусдаги акционерлик жамиятига айланади. Бу эса жамоанинг мустақиллигини оширибгина қолмай, унинг зиммасига якуний натижа учун маъсулият ҳиссини ҳам юклайди.

— Меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади,— дейди Янги Ангрен ГРЭСи директори Эргаш Шоисматов. — Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаётган корхона ҳар бир ишчисини қўллаб-қувватлаши, унинг ўз муаммоларини ҳал этишида ёрдам кўрсатиши лозим. Чунки корхонанинг барча кўрсаткичлари ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси билан чамбарчас боғлиқдир.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ТАЛАБ — ҚАТЪИЙ, МАСЪУЛИЯТ — КУЧЛИ, ЖАВОБГАРЛИК — АМАЛДА БЎЛАДИ

Бу йил вилоят хўжаликлари билан пахта тозалаш корхоналари, тайёрлов пунктлари ўртасида тузилган шартномаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилади?

Мухбиримиз яқинда шу хусусда вилоят пахта саноат-сотиш давлат акционерлик бирлашмаси раиси ўринбосари Ҳ. Қосимов билан суҳбатлашди.

— Ҳасан Қосимович, маълумки, шартнома халқ хўжалигининг қайси тармоғида бўлмасин ва тузилмасин, у икки томоннинг ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ва тайёрловчи зиммасига ғоят катта масъулият юклайдиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шундай эмасми?

— Бўлмасамчи. Агар шартномага тўла-тўкис амал қилинса, у шериклар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чунки, унда ҳар икки томоннинг вазифалари аниқ ифодаланган бўлади.

— Афсуски, Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, шартномалар кўп ҳолларда хўжакўрсинга тузилиб, қоғозда қолиб кетадиган бўлиб қоляпти. Бунинг учун ҳеч ким жавоб бермайди, нима учун бажарилмаганлиги ёки чала-чулпа бажарилганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу гап, албатта, сизнинг бирлашмангизга кирадиган хўжаликлар билан пахта заводлари ўртасида тузиладиган шартномаларга ҳам тааллуқли.

— Бу бор гап. Илгари шартнома шартларига қатъий амал қилинарди. Ҳар беш кунда хўжаликлар ўтказилган пахта толаси учун ҳақни тўлаб турардилар. Афсуски, бу яхши анъана аста-секин эътибордан қолди. Бу ҳол 1994 йилдан рўй бера бошлади. Ўша йили шартнома ярим-ёрти бажарилди. Ўтган йили эса бу бузилиш газак олиб кетди.

— Юқорида айтганимиздек, шартномада томонларнинг вазифаларини белгиловчи моддалар кўп, уларнинг ҳаммаси ҳам бажарилмади деб айта олмасак керак.

— Дейлик, шартномада хўжаликлар олиб келган пахта учун кетган траспорт ҳаражатлари пулини тўлаш завод зиммасига юклатилган. Ўтган йили бундай тўловлар 29 миллион сўмдан ошиб кетди. Шунингдек, хўжаликлар тайёрлаган уруғлик пахта учун ҳукумат қарорларига асосан ўтган йили 28 миллион сўм устама ва қўшимча ҳақ тўланди.

— Авжи йиғим-терим қизғин пайтларда туман ва хўжаликларда бўлганимизда баъзида «завод пахтанинг ифослиги, намлиги учун ҳаддан зиёд чегириб ташлаяпти, навини пасайтириб кўрсатяпти», деган гапларни эшитамиз. Бунга нима дейсиз?

— Шоли қурмаксиз бўлмайди. Баъзи заводларда, айрим масъулиятсиз ходимларнинг айби билан онда-сонда шундай ҳоллар ҳам содир бўлиши мумкин. Лекин, буни ҳамма завод ва тайёрлов пунктларига хос камчилик деб айтсак, инсофли бўлмайди. Қолаверса, махсус текширув гуруҳлари, хўжаликларнинг ўз вакиллари иштирокида ва кузатувида пахта қабул қилинади, лабораторияда текширилиб, нави, сифати аниқланади. Бироқ, бор гапни ҳам рўй-рост айтиш керак. Айрим ҳолларда раҳбарларнинг, айниқса, мутахассисларнинг айби, лоқайдлиги, ишни ташкил қила билмаслиги туфайли ҳақиқатан ҳам завод, қабул пунктларига ҳаддан ташқари ифлос, намлиги меёридан ортиқ бўлган хом ашё ҳам келиб туради. Бу эса корхонага ортиқча ташвиш туғдиради. Хом ашёни ифлосликдан тозалаш ва қуритиш учун мўлжалдагидан кўп сарф-ҳаражат кетади. Табиийки, шу хусусда кетган ҳаражатлар шартнома бандига мувофиқ хўжаликлардан ушлаб қолинади.

Ўтган йили вилоят бўйича чегиришлар 50 миллион сўмни ташкил этди.

— Чегиришлар ҳаддан зиёд бўлган туманлар борми?

— Бор-да. Бунга Чиноз туманини мисол қилиб келтириш мумкин. Чиноздa пахтани кўпроқ ўтга бостириб қўядилар. Бунинг устига ғўза баргини тўкиш сифатли ўтказилмайди. Мутахассис сифатида жуда кўп йиллардан буён бу сурункали касаллик бўлиб қолганлигини айтишим мумкин. Бунинг учун чинозликлар мендан хафа бўлишмасин, билмаганлари бўлса билиб қўйишсин. Йиғим-терим пайтида хўжаликлардан келаётган пахта ифлослиги анча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ўтган йили энг кўп чегириш шу туманга тўғри келди. Оққўрғонликлар ҳам улардан қолишмадилар. Лекин, қўйичирчиқликларга қойил қолиш керак. Улар ҳар йили ҳам нави анча юқори ва сифатли пахта топширишади. Чегириш арзимаган миқдорни ташкил этади. Чунки, уларда қўл теримини ҳам, машина теримини ҳам ташкил этишнинг аниқ ва самарали тизими ишлаб чиқилган. Уларнинг бу соҳадаги тажрибасини оммалаштирса арзийди.

— Лекин шартноманинг туб моҳиятини белгиловчи — топширилган хом ашёга вақтида ҳақ тўлашга қаратилган асосий моддаси бузилди. Бу ачинарли ҳол, албатта. Боя айтганингиздек, беш кун давомида ҳисоб-китоб қилиш ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Пахтакорлар ўтган йили ойлаб ҳақ олишолмади-ку! Бунинг сабабини қандай изоҳлайсиз?!

Долзарб мавзу

— Буни қисқача қилиб, бозор шароитида рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар туфайли шундай ҳоллар содир бўлаяпти, деб айтиш мумкин. Биргина пахтакорлар эмас, сабзавоткорлар, пиллакорлар ҳам анча вақтгача ҳақларини ололмадилар. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз бу йил ана шундай камчиликларнинг такрорланмаслигига қаратилган янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда, маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилувчи фармонлар чиқарилди.

Умуман олганда ўтган йили хўжаликлар топширган пахталари учун ҳақ олишолмади, деб айтиш нотўғри бўлади. Ҳатто, қарз бўлиб қолган хўжаликлар ҳам бор.

— Қандай қилиб?

— Айрим хўжаликларга 1995 йил ҳосили бўйича 148 миллион сўм ортиқча маблағ тўланган. Чунки айрим хўжаликлар режаларини ялдалай олмадилар ёки нави паст, сифатсиз, ифлос пахта топширдилар. Шу боис, ҳатто олган қарзларини ҳам узолмай қолдилар. Ҳозирги кунга келиб 1995 йил ҳосили учун завод ва хўжаликлар ўртасида узил-кесил ҳисоб-китоб қилиб бўлинди, деб айтиш мумкин.

— Энди ортиқ бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди. Шартнома тузилдими, томонлар унга қўл қўйдиларми, албатта, бажарилиши керак. Шу маънода оладиган бўлсак, бу йилги шартноманинг ўтган йилги шартномадан қандай фарқи бор? Шартнома шартлари ва бандлари қайта кўриб чиқилдими?

— 1996 йил ҳосили учун хўжаликлар билан пахта заводлари ва қабул пунктлари ўртасида шартнома тўлиқ тузиб чиқиб бўлинди. Шартноманинг шартлари ўтган йилдагидан унчалик фарқ қилмайди. Лекин, менимча, гап шартноманинг ижросида. Унда ҳамма жиҳатлар, шерикларнинг манфаатлари ҳисобга олинган, вазифалар аниқ, равшан белгиланган. Асосий масала масъулиятни кучайтириш, жавобгарликни оширишдадир.

Очиғини айтиш керак, илгари талабчанлик йўқ эди. Хўжалик заводга, завод хўжаликка жарима солмасди. Нима қиламиз, бир-биримизнинг дилимизни оғритиб, кўз кўзга тушиб туради-ку! деб ўйлашарди. Энди эса талаб қатъий бўлади. Завод ҳам, хўжаликлар ҳам ўзларига тегишли бирон-бир шарт бажарилмадими, бир-бирларини аяб ўтиришмайди, шартнома бўйича талаб қилишади.

— Шартноманинг бажарилишини таъминлашда сизларнинг хизматингиз қандай бўлади?

— Агар вилоятда 120 та хўжалик, 12 та завод борлигини, уларнинг ҳар бири билан шартнома тузиб чиқилганлигини назарда тутсак, бизнинг вазифамиз ҳам осон бўлмайди, албатта. Фаолиятимизнинг ўзагини моддий-молиявий таъминот ва ҳисоб-китобнинг тўғри ва одиллик билан йўлга қўйилиши ташкил этади. Шу йўлда иш олиб бораяпмиз. 1996 йил ҳосили учун дастлабки ҳисоб-китобга кўра вилоят бўйича хўжаликлар топширадиган 280 минг тонна пахта учун 2 миллиард 352 минг сўм тўланиши кўзда тутилмоқда. Бу йил ҳам тайёрловчи хўжаликларга улар топширадиган пахтага тўланадиган маблағнинг 25 фоизини олдиндан бериб қўядилар. Бу — 588 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозиргача 385 миллион сўм ўтказилди. Қолган қисми ҳам яқинда берилади.

МУХБИР ШАРҲИ: Очиғи, биз бу суҳбатдан анча қониқиш ҳосил қилдик. Ҳасан ака пахта тозалаш саноатида суяги қотган, бу соҳада узоқ йиллар ишлаётган тажрибали мутахассис. У холис ва адолатли фикрларни айтди, мулоҳазаларни биллирди.

Суҳбатдан аён бўлдики, шартноманинг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида бу ҳақда гапирар экан, шартномани тузиш маданиятини бутунлай янги поғонага кўтариш, ижрочиларнинг жавобгарлик масъулиятини кучайтириш, шартномага қонуний асос бериш зарур. Бунинг учун ҳуқуқшуносларнинг астойдил ёрдами керак, деб бежиз айтмадилар.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, шартномани ҳозирги кун талаблари асосида янгилаш ишлаб чиқиш, унинг моддаларига ҳар икки томоннинг масъулиятини янада оширадиган қўшимчалар киритиш керак. Зотан, суҳбат жараёнида бундай қўшимчалар, тузатишлар зарурлигини деҳқонларнинг ўзлари таклиф қилганликларини ҳам билиб олдик. Шартномада ўз мулкатида топширилган хомашё учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортган тайёрловчи хўжаликка ўша ўзи тўлашдан бош тортган маблағнинг беш фоизи миқдорида жарима тўлайди, деган жойи бор. Юқоричирчиқ тумани хўжаликлари бу йил «Ўзбекистон» пахта заводи билан шартнома тузганларида беш фоиз ўрнига 25 фоиз жарима тўлайсизлар, деб айтдилар ва шартномага шундай деб ёзилишига эришдилар. Бу масалани чуқур ўрганиб чиқиш керак. Чунки тап тайёрловчи масъулиятини янада кучайтириш устида бораяпти.

Ҳеч сўзсиз шартноманинг бажарилишини таъминлаш жараёнида низолар рўй бериб туради. Агарда бу низоларнинг келиб чиқиши, туб сабаблари ўз вақтида аниқланса, уни ҳал этиш осон бўлади. Ана шу масалага бағишланган 7-моддада эса низолар белгиланган тартибда ҳал этилади, дейилган. Бизнингча, бунга ҳам аниқлик киритиш керак. Белгиланган тартиб қандай? Қонуний йўл билан ҳал этишми?! Ундай бўлса бу қай тариқа амалга ошади. Ана шу нарса аниқ, равшан, пухта қилиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда бу «тартиб»ни томонлар ўз йўриқлари ва ўз манфаатларига бўйсундира олмасдилар.

Яна бир гап. Шартноманинг бандлари, моддалари моҳияти нималардан иборат. Уни бойлик яратувчилар, деҳқонлар онгига чуқур сингдириш ҳам ғоят муҳимдир. Зеро, тузиладиган шартноманинг асосида далада, деҳқонларнинг филоии ишлари, меҳнатлари билан яратилади. Унинг ижросини тўла-тўкис таъминлаш эса шарт.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тадбиркорлик — иқтисодиётимиз келажаги

ҲИССАДОРЛИК ҚАДРИГА ЭНДИ ЕТДИК,

дейди Юқоричирчиқ туманидаги 121-Янгибозор ҳиссадорлик автокорхонаси ҳайдовчиси Аҳмад Жўраев. Бу корхонада 1995 йили ҳар бир акциядор ўртача 12 минг сўмдан дивиденд олган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида 7 минг сўмдан тўғри келди.

УЧ йилдирки, мазкур автокорхона ишчилари, ходимларнинг маошларига барака кириб қолди. Хусусан, тиркамали транспорт билан мўлжалланган манзилларга юкни етказиб ойига 19 та йўлланма топширган ҳайдовчи 5—6 минг сўм олмоқда. Тиркамасиз машиналарда эса бу кўрсаткич 2—3 минг сўм атрофида бўлаётир.

Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Биргина Тошкент вилоятида эмас, балки Республикада ҳам фаолияти намуна қилиб кўрсатса арзийдиган бу даргохнинг мустақиллик йиллари мобайнида ривож топиб кетишида иқтисодий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади. Корхона 1993 йилнинг сўнгги ойларида акционерлик жамиятига айлангач, фурсатни бой бермай акция чиқариш ҳаракатига тушди. Ордан бир йил ўтгач эса ҳиссадорлар биринчи дивидендларига эга бўлдилар. Ўтган вақт мобайнида бошқарув маъмурияти, хусусан мутахассислар ҳар бир ҳайдовчига, таъмирловчи, ишчига янгича талаблар асосида ишлашнинг шартларини батафсил тушунтирдилар.

— Дастлабига акция, дивидент, ҳиссадорлик нималигини, акция эгаси қандай ҳуқуқларга эга эканлиги кўпчиликка қоронғу эди, — дейди корхона раҳбари Александр Дё, — ана шуларнинг мазмуни, моҳияти, рўй бераётган ўзгаришлар мутлақо меҳнаткашлар манфаатини кўзлаши ҳақида эринмай гапиришга тўғри келди. Янги ишлаб чиқилган дастурга кўра ҳайдовчи меҳнат интизомига хилоф равишда иш тутмаса, ичмаса, авариясиз ишласа, ойига белгиланган йўлланмалар сони бўйича топширикларни бажарса **ҳар ойда маошига уч марта ойлигининг 25 фоизидан ва 1 марта мукофот тарзида 40 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ қўшилишини ҳам чуқур англаб етди.** Мабодо юқоридаги шартлардан бирортаси бажарилмай қолса, 1200—1400 атрофидаги «Қурук ойлик»да қолиш мумкинлигини ҳам яхши тушуниб олди.

Маълум даражада иқтисодий билимга эга бўлган, ҳисоб китобларни юргиза оладиган ишчилар билан ишлаш шу тарзда осонлашди. Ана шундан кейин автокорхонадаги 150 (шундан 40 таси тиркамали) машиналарнинг ҳайдовчилари, юз нафар ишчилар — таъмирловчилар ва бошқарув ходимларига акцияларни сотиш биринчи йилгидек мушкул бўлмай қолди. **1995 йилда ҳар бир акциядор ўртача 12 минг сўмдан дивидендга эга бўлганлигини амалда кўргач, корхонанинг акцияларига эҳтиёж ортиб кетди.**

— Бу бежиз эмасди, — дейди корхона бош иқтисодчиси Сулаймон Ибрагимов, ҳиссадорлар ойлик маошларидан ташқари, яна мўмайгина даромадли бўла бошладилар. Дивидендлар илгари ҳар йилнинг охирида берилса, эндиликда ҳар уч ойда ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Бизга бош иқтисодчи ишчилар акцияларга қизиқиб қолганликларининг туб моҳиятини ечадиган ажойиб фактлар ҳақида ҳам сўзлаб берди. Масалан, 1995 йилда ишчилар, ходимлар имкониятларига қараб 4—5 тадан, айримлари 10 тадан, баъзилари эса 15-20 тадан акциялар сотиб олганлар. Бу орада нархлар ортиши туфайли автокорхона уставидаги жамғарма ҳажми ошди ва яна қўшимча акциялар чиқарилди. Ана шу ҳисобга кўра акциядорлар қўлидаги акциялар сони кўпайди. Ўтган йили режа бўйича 56 миллион 750 минг сўм ўрнига 65 миллион 427 минг сўм даромад қилинган эди. Соф фойда эса 9 миллион 312 минг сўмни ташкил қилди. Натижада 1995 йилдан ҳар бир акциядор чўнтагига яна барака кирди. Бу йил ҳар бир акция ҳисобига 141 сўмдан дивиденд тўғри келди. Шу муносабат билан 10 та акцияси бор одамнинг қимматбаҳо қоғози 1996 йилнинг биринчи чорагида 6 баравар кўпайди, 10 акциялик ишчининг акцияси 60 тага айланиб натижада **шу йилнинг 3 ойи учун 8460 сўм дивидендга эга бўлди. 20 та акция эгаси эса 16920 сўм қўшимча даромад топди. Демак, иш шу тарзда борса кўп акцияли ҳайдовчилар, ходимлар йил охирида 60—70 минг сўмлик дивидендга эга бўлишлари ҳеч гап эмас.**

Хўш, акциядор корхона бундай кўрсаткичга қандай эришди? Бизнинг бу саволимизга ҳайдовчи-бригадир Аҳмад Жўраев шундай жавоб берди:

— Юртбошимиз айтганларидек, ислоҳотларнинг изчил бориши, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигининг ошиб бориши раҳбарнинг тадбиркорлигига боғлиқлиги рост экан, — деди у. Корхонамиз директори Александр Енхванович талабчан, давр билан ҳамнафас одам. Ўзингиз корхона ҳудудини айланиб чиқинг. Яратиб қўйилган бу қулайликлар эвазига унумли ишламай бўладими, ахир. Қолаверса биз ҳиссадорликнинг қадрига энди етдик.

Ҳайдовчи Раҳим Ибрагимов ҳам директорнинг ишбилармонлиги, одамларга меҳрибонлиги, ёш мутахассисларни тарбиялашда малакаси ҳақида алоҳида ихлос билан гапирди.

Ҳиссадор автокорхона ҳудудини бир неча йиллардан буён раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Асқар Бойбўсинов, бош муҳандис Акбарали Мирбобоев билан айландик. Машиналар саф тортган майдон тоза. Таъмирлаш хоналари, транспорт ювиш бостирмалари ораста, деворлари кафелланган. Машинанинг оғир заҳира қисмларини таъмирлаш жойларига етказиш тўла механизациялашган.

— Ҳар куни ишдан кейин кафелларни артиб, тозалаб қўйиш қатъий одат тусига кирган, корхонада бундай жой 6 минг квадрат метрни ташкил этади, — дейди бош муҳандис, — раҳбаримизнинг биринчи талаби озодалик, саранжом-саришталикни таъминлаш, қулай шароит эса иш унумдорлигини оширмоқда.

Ёрдамчи хоналар, устахоналарни айланиб ўтгач биз қуёш ҳароратидан сув истиладиган қурилма ёнига келдик. «Қуёшли ҳаммом», корхонада электр қувватини, ёқилғи тежаш имконини бермоқда.

— Директор ўнлаб рационализаторлик таклифларининг муаллифи, — дейди А. Бойбўсинов, — у яратган мослама билан автомобилларни мой бериши қийин бўлган жойларига, мойни ҳаво босими орқали етказиш усули яратилди, республикамиз автокорхоналарида бу янгилик жорий этилиб, мосламани саноатда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхона фаолияти билан танишиш жараёнида, биз яна бир омилни чуқур ҳис этдик.

Раҳбар ёш кадрлар малакасини ошириш, уларнинг ўсиб унишлари учун кенг имкониятлар яратиб берган, шу боис ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ислоҳотларни рўёбга чиқариш йўлида астойдил интилмоқда. Буни бу йилги кўрсаткичлардан ҳам билса бўлади. 1996 йилнинг биринчи чорагида корхонада 18,5 миллион сўмлик иш бажарилди. Умумий даромад 17,3 миллион сўмдан ошиб кетди. Соф фойда эса 3,1 миллион сўмни ташкил этди.

Корхона раҳбарига эришилган ютуқлар ҳақида гап очганимизда, унинг чеҳрасига табассум югурди.

— Сал кам 40 йиллик меҳнат фаолиятим давомида, — деди у, — муваффақиятни фақат бир киши таъминлаганини, билмайман. Бошқарувимиздаги А. Мирбобоев, А. Бойбўсинов, Г. Абдуназарова, С. Ибрагимов каби малакали мутахассислар, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган А. Усмонов, А. Жўраев, Р. Ибрагимов, Р. Акимов, Э. Илёсов сингари фаол ҳайдовчилар ва бошқалар ҳамкорлигида кўзланган муваффақиятга эришмоқдалар. Бу кишилар ҳиссадорлик автокорхонасининг хизмат манзиллари тобора кенгайиб боришига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳайдовчилар Бўстонликдаги йирик қурилиш объектлари, Келес дарёси кўпригини барпо этишда фидокорона ишладилар. Шу кунларда эса Тошкентнинг Чорсу даҳасида қад кўтараётган соғломлаштириш мажмуига қурилиш материалларини етказиб бермоқдалар.

Автокорхона жамаоси бажараётган ишлар ҳажми ва тури ҳам кўпайиб бормоқда. Уларни ҳисоб-китоб қилиш учун Хурсандбек Пўлатов бошлиқ компьютер бўлими фаолият кўрсатаётир. ЭҲМ машиналарига жойлаштирилган маълумотларда исталган йилдаги хоҳлаган кўрсаткични ёки қиёсий жадвалларни бир зумда топиш мумкин. Бу эса корхона иқтисодий фаолияти таҳлили учун ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур автокорхона жамоатчилиги бугунги кун нафаси билан яшаб, ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини рўёбга чиқариш йўлида фидокорлик кўрсатмоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Корхона ҳаётидан лавҳалар.
Равиль ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.

«Агрофуд-96»: 80 ДАН ЗИЁД ФИРМА ҚАТНАШДИ

УЧ КУН мобайнида «ЎзЭкспоМарказ» республика савдо-кўргазма марказининг икки павильонида 25 мамлакатдан ташриф буюрган 80 дан зиёд фирмаларнинг «Марказий Осиё: «Агрофуд-96» халқаро кўргазмаси минг-минглаб томошабинлар билан гавжум бўлди.

10 май — кўргазманинг охирги куни эди. Соат миллари кечки 17 дан ошиб қолганига қарамай ҳамон томошабинларнинг кети узилмасди, фирмаларга ажратилган хоналарда ўзаро фикр алмашаётган гуруҳларнинг қизғин суҳбатлари бетиним давом этарди. «Нутелла» ширинлиги билан болакайларни сийлаётган «Ян интернэшнл» фирмаси вакилларининг қўли-қўлига тегмайди. «ЎзЭкспоМарказ» бош директори Б. Эрматов кўргазмани ташкил этиш учун икки йил тайёргарлик кўрдик, деган гапларида жон бор экан. Бу фикрни «Фэртрейд Мессе унд Аусштеллунге ГмбХ» бошқарувчи директори Мартин Мэрц ҳам тасдиқлади. Шунча тараддуд кўрилиб, уч кун ичида ўз ишини якунлайдиган бундай кўргазмаларнинг самараси ерга баракали уруғ қадагандек гап.

Суҳбатдошим «АгрЭво» (Олмония) фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимларидан бири Раим Солиев:

— Республикамизда фирманинг икки ваколатхонаси мавжуд. Умуман олганда бунақа кўргазмалар ҳамиша керак. Лекин, албатта, улар қандайдир натижа бериши зарур. Тўғрисини айтганда, шахсан ўзим дастлабки кунлари бирон-бир ижобий натижага умид қилмаган эдим. Биласизми, менинг назаримда қандайдир тадбиркор маҳсулотингизга қизиқиб, таклифсиз олдингизга кириб келса, демак, бу кўргазма муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Аслида бунақа ихтисослашган кўргазмалар уюштирилаётганда бевосита шу соҳага масъул ва қизиқувчи мутахассисларга олдиндан таклифномалар жўнатилади. Бир-икки кун биз кутган одамлардан дарак бўлмади. Фирмамиз 8 май куни «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» бўйича семинар уюштирди. Бу семинарда «АгрЭво» фирмасининг Австрия, Америка ва Тошкентдаги ваколатхонаси вакиллари маърузалар билан чиқдилар.

Олийгоҳлардан ташриф буюрган профессорлар сўзга чиқиб, кимёвий дориларимизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида батафсил фикр билдирдилар. Айнан мана шу кўргазма доирасида ўтказилган семинарнинг таъсири ижобий бўлди. Бевосита кўргазма ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ерда биз билан рақобат қила оладиган фирмалар

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

кўпчиликни ташкил этди. Швейцариянинг «Чиба», Венгриянинг «Чиноин», «Зенека», Англиянинг «Айти-ай» фирмасидан ажралиб чиққан «Линека» фирмаси кабилар ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаси билан шуғулланар экан.

Кўргазма кунлари Ўзбекистон Республикаси давлат кимё назорати комиссияси раиси Маҳмуд Зоҳидов, «Ўзагрохимсервис» раисининг муовини Шамшод Муҳаммадалиевлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «АгрЭво» фирмаси билан қизиқиб қолдилар. Ўзаро ҳамкорлик, амалий ишлар хусусида батафсил суҳбатлашилди. Шунингдек, режалаштирилган учрашувлардан Қирғизистон Республикаси «Агрохимсервис» раиси Жонибек Дербишалиев билан олиб борган музокаралар ҳам самарали бўлди. «Каманн» фирмаси вакиллари билан ҳам ўзаро амалий мулоқот ўтказдик. Франциялик фирма вакили билан учрашувимиз ҳам ижобий бўлди. Жумладан, улар Ўзбекистонда қанд лавлаги етиштириш учун уруғлар сотишни мўлжаллашибди. Агар режа самарали йўлга қўйилса, келгусида улар бу ишга жиддий киришиб, лавлаги ҳосилдорлигини ошириш, пировард натижада контрактация асосида махсулотни тўла қайта ишлайдиган минизаводларни ҳам етказиб бериш ва ишга тушириш каби режани кўзлаб туришган экан.

...1995 йил охирида «АгрЭво» фирмасининг раҳбарлари жаноб Герхард Пранте ва директорлар кенгашига кирадиган жаноблар Ўзбекистонда бўлиб, қишлоқ хўжалик вазири билан бир қатор хужжатларни имзолашганди. Шунга кўра «АгрЭво» фирмаси Тошкент вилояти ва республикадаги бошқа вилоятлардаги бир қатор хўжаликларни оталиққа олишлиги ҳақида келишиб олинган эди. Вазифа — ўсимликларни ҳимоя қилиш препаратларини уларга бепул етказиб бериш, жамоа хўжалиги эса препаратларни ишлатиб, синаб кўриб, натижаси хусусида фирмага маълумот бериб туришидан иборат.

Тошкент вилоятидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги оталиққа олинган хўжаликлардан биридир. Шу кунларда Марказий Осиё бўйича ваколатхона (Алмати шаҳрида жойлашган) раҳбари жаноб Ребайн, Тошкент шаҳридаги ваколатхона бошлиғи Асхат Ҳафизов ҳамда йирик олим, маркетинг ишлари бўйича бошлиқ Обид Эшматовлар жамоа хўжаликларига чиқиб кетишди. Улар жойларда яна бир бор жамоа хўжаликлари ерларини кўздан кечиришади, келгуси ойдан бошлаб эса бажариладиган ишлар режасини тузиб қайтишади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ташқи иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда олиб боришга имкон яратди. Чет эл техникаси ва технологиясидан самарали фойдаланиш каби ижобий ўзгаришлар хаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда. Бунга кўргазма қатнашчилари бўлган ўзбекистонлик иштирокчиларнинг стендлари жонли гувохдир. Улар орасида эндигина оёққа туриб келаётган «Ака-ука» фирмаси ҳамда машҳур Олмония компанияси «Винклер»нинг стендлари ҳам томошабинлар ва мутахассислар эътиборини жалб этди. «Винклер» компанияси ўзбек ҳамкорлари билан «Узвинклер» қўшма корхонасини ташкил этган. Унинг асосий вазифаси республика ҳудудини сифатли новвойхона ускуналари билан таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширила бошланди. «Агрофуд-96» халқаро кўргазмаси бу борада ўзбек корхоналари учун ўзаро фойдали шериклар топишда ва амалий алоқалар ўрнатишда кенг имкониятларни яратиб беради.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• СУРАТЛАРДА: «Хенк Звиерст» (Голландия) фирмаси вакиллари (чапдан ўнгга) Труш де Ври, Де Труш ва Бринкерс; «Ака-ука» фирмаси намойиш этган уруғлик стенди.

Рашид ҒАЛИЕВ суратга олган.

Республикамиз вилоятлари бўйлаб

ЎзА мухбирлари хабарларидан

1996 йил — Амир Темур йили

«ТЕМУРГА ТАЪЗИМ»

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Самарқанддаги вилоятлараро тарғибот маркази ташаббуси билан нашр этилган янги тўплам ана шундай аталди. Буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу китобдан вилоятда яшаб, ижод қилаётган ёш қаламкашларнинг буюк бобокалонимизга бағишланган асарлари жой олган.

Ўзбекистон — Туркия: ҳамкорлик қирралари

«СУНАМ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Самарқандда «Сунам» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси очилди. Янги корхона хорижий инвестицияни жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни турли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиш, шунингдек, мармар заҳираларимиз асосида улардан жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган пардозлаш плиталари тайёрлаш ниятидадир.

— Биз Фозғон, Монсой ва бошқа мармар конларида бўлдик, — дейди корхона бош директори Ориф Шараф Эртурул. — Уларнинг рангба-ранглиги, тиниқлиги ва пишиқлиги бизни мафтун этди. Ҳадемай мармарни кайта ишлаш корхонасини қуришни бошлаб юборамиз.

ФАРҒОНА «БОРЖОМ»

Фарғона яхна ичимликлар ишлаб чиқариш акционерлик жамияти — «Фарғонапиво» мижозларга «Боржом» шифобахш сувини тақдим этди. Шу мақсадда Грузиянинг тегишли корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. У ердан тайёр сувни шишаларда ташиб келтириш жуда қиммат тушишини ҳисобга олиб, «Боржом порошоги»ни келтиришга қарор қилинди. Тоза ичимлик сувга қўшиб тайёрланадиган бундай шифобахш ичимлик ошқозон-ичак, жигар, қандли диабет ва бошқа касалликларни даволашда қўл келади.

ҲИММАТ

«Қўқоннон» жамоа корхонаси шаҳар «Тез ёрдам» муассасасига «Уаз» русумли автомашина туҳфа килди. Новвойларнинг шифокорларга кўрсатган бу муруввати туфайли беморларга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатлигини тиклаш янада яхшиланади.

(ЎзА).

Чорвачиликда ислоҳот қандай бормоқда?

«ОҲАНГАРОН»ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

«Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти фақат деҳқончиликдагина эмас чорвачиликда ҳам сермаҳсул хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби ўтган йилдан бошлаб хўжаликнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани бўлди. Бу ердаги ҳар бир чўпон, ҳар бир чорвадор эндиликда чорва молларига ўз шахсий мулки сифатида қараётир.

Эндиликда хўжаликнинг йигирмадан ортиқ қўра ва қўтонларида 10550 бошдан кўпроқ қўйлар парвариш қилинмоқда, уларнинг 5800 бошдан кўпроғи совлиқлардир. Хўжалик чўпонлари бу йил ҳар юз бош совлиқдан 92 бошдан соғлом қўзи олишни режалаштирган эдилар. Улар ўзлари учун асосий даромад манбаи — фақат тўл олишдан келадиган фойда эканлигини чуқур ҳис қилмоқдалар. Шу сабабли ҳам барча отарларда совлиқларнинг ҳар юз бошидан тенгма-тенг микдорда соғлом қўзи олинди. Бутун хўжалик қўтонларида янги туғилган 5800 бошдан кўпроқ дуркун қўзилар парвариш қилинмоқда. Яйловлардаги жаъми қўй ва қўзиларнинг бош сони 16 минг 350 бошдан ортиб кетди. Парвариш яхши олиб борилаётганлиги сабабли мавсумда биронта ҳам қўзилар ёки совлиқ нобуд бўлмади.

Хўжаликда қўйчиликни ривожлантиришда, айниқса, кекса тажрибали чўпонларнинг баракали меҳнати алоҳида бўляпти. Қорабошсой яйловларида қирқ йилдан бери қўй бокиб келаётган Мўмин Каримов ўзи парвариш қилаётган 450 бош совлиқдан 467 бош соғлом қўзи олишга эришди. Бу тажрибали чўпоннинг отарида ўтган йили ҳам ҳар юз бош совлиқдан юз бошдан соғлом қўзи олинган эди. Яна бир тажрибали чўпон — Собир Пўлатов ҳам кўпдан бери Жийдали яйловларида қўй бокади. Унинг отарида ҳам 450 бош совлиқ бор. Собир Пўлатов астойдил меҳнат қилиб ҳар юз бош совлиқдан 102 бошдан соғлом қўзи олишга эришди.

Хўжалик яйловларидаги бошқа отарларда ҳам ана шундай қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хўжаликда ҳозир чўпонлар ҳар бош қўзини нес-нобуд қилмай парвариш қилгани учун 60 сўмдан пул тўланяпти. Уларга барча зарур шарт-шароитлар яратилган, ўтин-кўмирлар, озиқ-овқат махсулотлари, кийим-кечаклар ва бошқа воситалар билан вақтида таъминланмоқда. Энг муҳими, кузгаёқ ҳар бир отарга камида 45-50 тоннадан табиий пичан, беда, сомон ва ҳар бир қўйга бериш учун кунига 300 граммдан мўлжаллаб ем элтиб берилганди. Барча қўра ва қўтонлар таъмирланиб, туғилган қўзилар бир неча кун бокиладиган иссиқхоналар яратилди. Транспорт воситалари ва етарли дори-дармонлар билан таъминланган ветеринария хизмати ходимлари қўзилатиш мавсуми давомида яйловларда бўлдилар.

Хўжаликда қўйчиликни ривожлантириш учун яна бир қанча омиллар ҳам ишга солинди. Маълумки, шу давргача Оҳангарондаги барча хўжаликларда майин ва ярим майин жунли оқ қўйлар боқилар, уларнинг аксарият қисми касалликка чидамсиз, гўшти ҳам таъмсиз, эгиз туғмайдиган насл ҳисобланарди. «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятининг чорвадорлари ўтган йилдан бошлаб қўшни давлатлардан 250 бошдан кўпроқ зотдор хисор қўчқорлари олиб келишди. Урчитилган совлиқлардан йирик, совуқ ва касалликларга чидамли, жунлари қалин, гўштдор кейинчалик ҳар бирида 12-15 килограмм қуйруқ ёғи бўладиган соғлом қўзилар туғилдики, буларнинг барчаси хўжаликка жуда катта даромад келтиради. Ҳозирнинг ўзида «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти фақат қўйчиликнинг ўзидан бир миллион сўмдан кўпроқ соф даромадга эга бўлди.

1996 йилнинг эрта кузидан бошлаб хўжаликдаги отарлар сони яна ўнтага кўпаяди. Асосан Жийдали, Қорабошсой, Охтахона, Қарғасим, Арпа тўкилди, Ўрамол ва бошқа яйловларда ташкил этиладиган янги отарларда тажрибали чўпонларнинг ёш сулолалари меҳнат қилишади. Шу билан бирга янгидан ташкил этилган отарларга иситиш ва ёритиш воситаларини етказиб бериш учун ҳозирданоқ иш олиб бориляпти. Бугунги кунда хўжаликнинг тажрибали ветеринария врачи Саид Қодиров бошлиқ бир гуруҳ ветеринар-мутахассислар янги ташкил этиладиган отарларнинг жойларини аниқлаш, уларнинг табиий-иқлим шароитларини ўрганиш билан жиддий шуғулланишяпти.

Шавазсойнинг қир ва адирларида ҳам хўжаликнинг анчагина яйловлари бор. Бироқ тоғлиқ масканларга жойлашган бу яйловлар серўт бўлгани билан қўйлар учун анча ноқулай. Шу сабабли бу яйловларда бокиш мақсадида икки отар майин жунли зотдор эчкилар олишга қарор қилинди. Хўжаликнинг чорвачилик бўйича бўлим бошқарувчиси Икромжон Файзиев бошчилигидаги мутахассислар ана шундай эчкиларни олиб келиш учун қўшни республикаларнинг чорвадорлари билан шартнома тузишяпти. Бу хайрли иш яқин кунларда ниҳоясига етади.

Бироқ хўжалик қўйчилигида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи бу ерда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун бир қатор тадбирларни зудлик билан амалга ошириш, тоғли яйловларда ҳам маданий ўтлоқзорларни ташкил этиш вақти келди. Хўжаликнинг Қорабошсой яйловларида суғориладиган бедазорлар ташкил этилмоқда. Шу мақсадда ариқ қазилиб, қувурлар билан 4 чақирим ерга сув чиқарилди. Бу эса қақроқ чўлда 200 гектарли бедазордан юқори хосил олиш имконини беради. Бироқ «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг хомашёси сифатида қазиб олинаётган ҳамда Олмалиқ оҳак заводи ва «Мармар» корхоналари учун олиб кетилаётган тошларнинг ўрни қўй бокиш учун мутлақо яроқсиз бўлиб, бу ерларда ўт-ўланлар ўсмаяпти. Шу сабабли кўп чўпонлар ёз ойларида отарларини узоқ яйловларга кўчириб кетишга мажбур бўляптилар. Қўй-қўзиларни олиб бориш ва келтириш учун эса кўп маблағ сарфланяпти, қўйларнинг вазни йўқолиб, бу жихатдан ҳам зарар кўрилмоқда. Шундай экан, тузилган шартномага биноан саноат корхоналари «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти яйловларида келтирган зиёнларни қоплаш учун тўлаётган товон пулларини анча оширишлари зарур. Негаки, 1990 йилдаги нарх билан тўланаётган товон пуллари эндиликда хўжалик учун урвоқ ҳам бўлмай қолди.

Хуллас, «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти қўйчилик бўйича ўзининг аввалги мавқеини тиклаб олмоқда. Иш шундай боравердиган бўлса бу хўжалик тумандаги ривожланган чорвачилик хўжаликларидан бири бўлиб қолишига ҳеч шубҳа йўқ.

Мўмин ҚАЮМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Суратда: тоғ яйловларида.

Ғалла мустақиллиги учун

КОМБАЙНЛАР ТАЙЁР!

Буғдой бошоқлари баҳор шамолида оҳиста тебраниб, ажиб оҳанг чиқаради. Бу товушдан «мен тўлишмоқдаман, эртага хирмонга, сўнг омборга барака киритаман» деган маънолари тушуниш мумкин.

Ҳа, бугун ғаллазорларга боққан киши эл-юрт баракаси етилиб келаётганлигига ишонч ҳосил қилади. Паркент туманидаги «Гулбоғ» халқ корпорацияси ғаллакорлари ҳам яхши умидлар билан 900 гектар майдонга дон эккан эдилар. Вақтида берилган ишлов, мўл ёғин-сочиндан сўнг далалар кўзни қувнатмоқда. Ўрим мавсуми эшик қоқай деб турипти. Эрта-индин олтиндек товланадиган ғаллазорга ўроқчилару комбайнлар киради.

Ўрим-йиғим мавсуми муваффақиятини, шубҳасиз, машиналар ҳал қилади. Буни яхши билган деҳқонлар ҳозироқ ғалла ўрадиган комбайнларни тўла таъмирдан чиқардилар. Корпорациянинг 6 та комбайни, 2 та дон тозалаш машинаси тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, ғалла ташийдиган 7 та автомашина ҳам мавсумга шай бўлди. Ўрим-йиғим даврида бирон-бир техника панд бериб, ишга путур етказмаслиги учун таъмирловчилар бригадаси ташкил қилинди. Бу бригада зарур жойда дарҳол техникавий ёрдам кўрсатади.

Гулбоғчилар ғалла ўримини қисқа муддатларда тугаллаш учун ҳамма чораларни кўриб қўйишди. Уларнинг мўлжали бу муҳим ишни 20 кун ичида тамомлашдан иборат.

СУРАТДА: (чапдан учинчи) жамоа раҳбари Эркин Рўзматов ғалла комбайнларини таъмирлашда иштирок этган корпорация аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

Равиль ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

Шифокор огоҳлантиради

БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Ҳурматли таҳририят! Биз қутуриш касаллиги тўғрисида баҳслашиб қолдик. Мен қутуриш фақат итларда бўлади, дессам дугонам «одамларда ҳам бўлади» дейди. Шу тўғримми? Бу дард ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Озода, Гулзода ИСРОИЛОВАлар.
Бекобод шаҳри.

ҲАЁТДА шундай ҳодисалар бўладики, инсоният уни била туриб, етарли синчковлик ва эътибор билан қарамайди. Натижада бепарволик туфайли олдини олиш мумкин бўлган касаллик оғир фожиаларга олиб келади. Бунга мисоллар кўп.

Олти ёшли А. исмли бола касал бўлишидан 35 кун илгари бувисиникига меҳмонга борганда хонадон ити унинг бурни, чап қўли, панжаси ва болдирини тишлаб олган. Бу тўғрида жабрланувчи тиббиёт ходимларига мурожаат этмаган. Бувиси итнинг жунини қўйдириб, тишланган жойга босган ва шу билан «Ҳеч нарса бўлмайди» деб, болани врачларга кўрсатмаган. Натижада бахтсиз ҳодиса рўй берди. Беморни қутурган ит тишлаган экан, у ҳаётдан кўз юмди. Врачга ўз вақтида мурожаат қилинганда бола қутуриш касаллигига қарши даволаш курсларини олган, фожиа рўй бермаган бўларди.

Қутуриш дарди инсониятга жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, у одамни ниҳоятда оғир ҳолатларга солади. Қутуриш марказий асаб тизимининг қаттиқ шикастланиши билан характерланади. Бунда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Бу касалликнинг қўзғатувчиси фильтрланувчи вирус бўлиб, уни фақат электрон микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин.

Қутуриш касаллиги билан асосан одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар оғрийдилар. Табиатда қутуриш вирусларининг асосий тарқатувчилари итлар ва итсимонлар оиласига кирувчи — бўри, тулки, чиябўрилар ҳисобланади. Лекин, ҳамма иссиққонли ҳайвонлар — сигир, от, қўй, эчки, чўчқа, мушуклар, кемирувчилар ҳам одамга ва бошқа ҳайвонларга касалликни юқтириши мумкин.

Одамга бу касаллик кўпинча қутурган ҳайвон қопганда, тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги янги ярага ва ҳатто, терининг тирналган, кесилган ерларига, ёки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганда, тасодифан одам қутурган ҳайвоннинг терисини шилганда мия ва сўлак билан кўл ифлосланганда, ёхуд сўлак теккан нарсалар суйкалганда ҳам юқиши мумкин.

Қутуришни даволаш учун ҳозирча самарали услублар топилганича йўқ. Хўш, одамни ҳайвонлар, айниқса, итлар тишлаганда қутуриш касаллигидан қутулиш учун нималар қилиш керак?

Энг аввало ҳайвон тишлаган жойни совунлаб ювиб йод эритмасини суртиш, кейин мусаффоланган тоза бинт билан боғлаб, дарҳол вақтни бой бермай врачларга мурожаат этиш зарур. Ўз вақтида шифокор томонидан ўтказилган эмлаш қутуриш касаллигидан сақланиб қолишда бирдан-бир тўғри воситадир. Чунки бу касалликка учраган кишини ўзгача усул билан даволаб бўлмайди.

Ҳайвонлар, итлар, мушуклар билан ортиқча муомалада бўлишдан сақланиш, айниқса болаларнинг ҳайвонлар билан ўйнашига йўл қўймаслик ҳам бу касалликка қарши курашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қутуриш касаллигига қарши кураш фақатгина тиббиёт ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, умумхалқ ишидир. Аввало, ҳар бир ит эгаси уни уйида (ховлида) занжирга боғлаган ҳолда бокиши керак. Итни кўчаларга бебош кўйиб юбориш қатъиян ман этилади. Уйнатиш учун уни кўчага олиб чиқилганда, оғзига махсус бурундуқ тақиб, қалта чилвирда олиб чиқиш тавсия этилади.

Уйда бокилган барча итларни рўйхатдан ўтказиш, уларни вақтивақти билан ветеринария кўригидан ўтказиб туриш, қутуриш касаллигига қарши эмлатиш ва тегишли паспорт олиш лозимдир. Агар ит хонадон аъзоларини ёки кўни-кўшниларни тишлаб олса, бу тўғрисида дарҳол мутахассисларга мурожаат этиш зарур.

Бундай ҳолларда одам ва ҳайвонларни тишлаган ит ўн кун мобайнида ветеринария шифокорлари назоратида бўлади ва улар томонидан итнинг соғлиги тўғрисида ит эгасига 2 та маълумотнома берилади. Бу маълумотнома жабрланган одам ёки ит эгаси томонидан дарҳол даволовчи жаррохга етказилиши шарт.

Бундан ташқари, 10 кунлик ветеринария назорати остида турган ит фавқулодда ўлса, ёки уйдан қочиб кетса, йўқолса, даволовчи жаррохга хабар қилиниши лозим. Бундай ҳолларда дўхтир қўшимча муолажалар белгилайди.

Вилоятимизда ҳар йили 6-7 минг киши ҳайвонлар, асосан, итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқдалар. Зеро, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қутуришга қарши кенг доирада чора-тадбирлар амалга ошириш учун давлатимиз томонидан катта маблағлар сарфланмоқда.

Ўлимга олиб борадиган ана шундай оғир ва хавфли касалликка қарши кураш учун барча имкониятлар мавжуд. Уларни амалга оширишда барчамиз фаол иштирок этишимиз зарур.

Т. ЗУПАРОВ,
Р. БАҲРОМОВ,
шифокорлар.

Илҳом

ВАТАН, СЕНДЕК КЕНГ ҚАЛБИМ...

ҚУШИҚ

Ватан, сендек кенг қалбим,
Бунёдкорлик — мақсадим,
Йўлдош эзгу ниятим
Дунёда сен бор учун.

Аждодлар ҳоки бунда,
Оққан киндик қон шунда,
Тупроғинг ўпай кунда,
Дунёда сен бор учун.

Баҳри баҳор диёрим,
Бахтим, номусу-орим,
Омад топар барорим
Дунёда сен бор учун.

Олам кўзимга бўстон,
Оромдадир ширин жон.
Шаъним жаҳонга достон
Дунёда сен бор учун.

Тўкин дастурхонимдир,
Меҳмондўстлик коримдир,
Парвона дўст-ёримдир,
Дунёда сен бор учун.

Жонажон Ўзбекистон,
Истиқлол бўлсин омон,
Мағрур яшар ҳар инсон,
Дунёда сен бор учун!

БАҲОР

Бунча гўзал, бунча чиройли,
Янги келган бу фасли баҳор.
Келинчакдек боқиб иболи,
Ёндиради қалбларни минг бор.

Қир-адиру, боғу-тоғларга
Янги либос кийдирмоқ истар.
Чорлаб элни лола сайлига,
Ўз ҳуснига тўйдирмоқ истар.

Бутун олам, бутун табиат
Ноз уйқудан уйғонди бу дам.
Ҳадя этиб файзу-латофат,
Қулоч ёйди ўлкамда кўклам.

Баҳор завқи буткул ўзгача,
Жамол очар бутун бир борлиқ.
Нафис сабо эсар тонггача,
Бу ҳаммаси баҳордан ёрлиқ.

Эрка насим айлар тарона,
Куйлаб шодон юртим мадҳини.
Озод элга бўлиб парвона
Баҳор куйлар халқим бахтини.

Рустам ХЎЖАЕВ.

КЎРИК-ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимиз аҳли Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ана шу қутлуғ санага бағишлаб «Ўзбекистон — ватаним, ифтихорим ва шонш-шарафим» мавзуида кўрик-танлов ўтказишга қарор қилган эди. Мазкур танлов талаба ва ўқувчиларнинг энг яхши публицистик, бадиий ва тасвирий санъат асарларини аниқлаш, ёшларда ватанга муҳаббат, ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичида ҳайъат аъзолари ўқувчиларнинг икки мингдан зиёд асарларини кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади. Иккинчи босқичда ғолиб чиққан асарлар мустақиллик байрами арафасида алоҳида китоб шаклида нашр этилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон халқ рассоми, уруш қаҳрамони Самиғ Абдуллаев пойтахтдаги Себзор турар-жой мавзесида бадиий студия ташкил қилган. Ғалаба байрами арафасида бу ерда рассомнинг уруш мавзуига бағишланган асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Кўргазмага шу атроф маҳаллалар аҳолиси, кўплаб мактаб ўқувчилари ташриф буюрдилар.

Суратларда: Самиғ Абдуллаев 22-ўрта мактаб ўқувчилари даврасида; рассом яратган асарлар.

Равил АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий

МОЛ-ДУНЁ ОФАТИ БАЁНИДА

Меросимизни ўрганамиз

БИЛҒИЛКИ, мол йилонға ўхшашдурким, ҳам заҳри мордур, ҳам тирёк. Чунончи, кишиким, йилоннинг афсунини билмай, анга йўл узатса, ҳалок бўлур. Бас молни афсуни баайни мердур. Аввал, билғайким молни нима жиҳатдин офарида қилибдур? Чунончи, мазкур бўлдиким, одамий бадагига зарур ва кераклик нимарсалар учундир.

Андоғки, барахна (яланғоч) қолмағунча эгиндин, тоатдин қолмагунча ғизодин, совуққа ва боронға (ёмғир, қорға) паноҳ бўлгунча (лик) макон зарурдурким, бадан хавос (ҳислар)нинг маркаби (улови) ва хавос (ҳислар) Ақлнинг хизматкори ва Ақл Дилнинг маҳалли (ўрни) ва Дил Ҳақ-таоло тажаллисийнинг қарорғоҳидир.

Вақтики, буларни билдинг, ушбу ҳожатдин зиёда дунёга машғул бўлмағил.

Учинчи улки, (инсон) ҳожатдин зиёдасин аввал аҳли ҳожатмандлар — мискин, ғариб, камбағалларнинг насибаси деб билғай ва уларнинг ҳожатига сарф қилғай.

Тўртинчи. Ул ҳожатидин зиёдани захрийра қилмағай (мол йиғиб, каттачилик қилмас).

Бешинчи. Даҳли ҳаржни ҳалолдин қилғай. Агар андак заҳийра қилса ҳам масрифга ҳалол ҳарж қилмоқ, ниятида қилғай. Вақтики, бу тариқада бўлса, (инсон) молдин тирёк (дору)дек насиба топғонидур.

Ҳазрати Али ал-Муртазо карамаллоҳу важҳаҳу айтибдурларки, агар киши дунё ичида икки молға молик бўлиб, Худои таоло учун сарф қилмоқ ниятида бўлса, ул киши зоҳиддур. Агар олам молини сарф қилиб ризойи худо бўлмаса (Оллоҳ розилиги йўлида яхши ишларга сарфламаса, ундай одамни) зоҳид деб бўлмас.

Ямандин Мадинага карвон келди. Ул жамъият ва тевараларнинг алоло ғалбаси (шовкини)дин шаҳар ер бўлди. Ҳазрати Ойиша розийиллоҳу анҳо сўрадиларки: «Бу нечук ғалбадур?» Айдиларким: «Абдурахмон ибн Авфнинг тевалари ва чокарларининг ғалбасидур. Ойиша розияллоҳу анҳо айдиларким, «Расули худо рост айтиб эрканлар, эрса бу хабар Абдурахмонга етди. Бас, Ойиша разияллоҳу анҳо ҳузурларига келиб, арз қилдиларки: «Ҳазрати расул алайҳис-салом нима деб айтдилар?»

Ойиша разияллоҳу анҳо айдиларким: «Ҳазрати расул алайҳиссалом айтиб эдиларким: «Бехиштни менга кўрсатдилар. Дарвеш саҳобаларимни кўрдумки, кириб борадурлар, ҳеч тавонгир (бадавлат)ларни кўрмадим. Магар Абдурахмон ибн Авфни кўрдимки, дунё ҳисобиға машғул бўлиб ҳаммадан кейин кирди».

Абдурахмон ибн Авф айтдиким: «Бул теваларимни тамом юки бирла жиҳоти сабилаллоҳга бахш қилдим, бандиларимни (кулларимни) озод қилдим, токи саҳобалар бирла бехиштга баробар киргаймен».

Ҳазрати расули алайҳиссалом айтибдурларки: «Қиёмат куни бир тоифани келтурдиларким, (мол-дунёни) ҳаромдин касб қилғон бўлғай ва ҳалолға ҳарж қилған бўлғай. Ани дўзахға ташлардар. Ва (яна бир) тоифани келтурғайларким, (мол-дунёни) ҳалолдин касб қилғон бўлғай ва ҳаромға ҳарж қилғай. Ҳитоб келгайки: «Бу бандаларни тўхтатинглар, шоядки, мол талабида намоз ва таҳоратнинг аркон ва шариатларини тақсир (қусур) қилмагай. Айтурларким, «Эй, бори Худоё, ҳалолдин касб қилдим ва ҳалолға харж қилдим. Ва ҳеч фарзда тақсир қилмадим. Ва хитоб келарким: «Абришим (ипакни) эгин кийиб ва яхши отларға миниб, анга фахру навозиш қилған бўлғай. Айтурларким: «Эй бори, Худоё, абрашим эгин кийдим ва дунёга меҳр ва навозиш қилдим. Аммо шоядки, етим ва мискин ва ҳамсоялар ҳақида тақсир қилмадим ва алар ҳақин бажо келтурдим».

Ва хитоб келарким: «Бу неъматлардин ҳар лукмае ебсан ва ҳар лаззатеки топибсан, анинг шукронасин бажо келтурмағон бўлғайсен, деб. Бас, бу тарика нечанд саволлар қилурлар. Шу сабабдин, бузурглардин бирлари тавонгликка (бойликка) рағбат қилмабдурлар, агарчандики, азоби бўлмаса ҳам, бу тариқали дўшвор ҳисоби бордур.

Билғилки, ҳазрати расул алайҳиссалом ҳулосаи зубдаи мавжудотдурлар барча мавжудотларнинг дарвешликни бу жиҳатдин ихтиёр қилибдурлар. Токим, дарвешлик тавонгарликдан (бойликдин) беҳ-раддир.

Умар ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу айтибдур: «Бир куни ҳазрати расул алайҳиссалом хизматларида эрдим. Айдиларки, юргилки, то Фотиманинг иёдатиға (кўргали) бороли. Эрса, бориб эшик қоқиб, айдиларки: «ассалому алайкум, изн бормуки киргайман». (Фотима) жавоб бердики: «Ва алайкум ассалом, ё расулоллоҳ, шарофат ва саодатдур. ва лекин, бир палосга йўрганиб ўлтирубдурман, бошимни ёпсам, оёғим очиқ, оёғимни ёпсам, бошим очиқ қоладур». Бас (расулоллоҳ) кўйлакларини ташладиларким, «Буни бошингга ёпғил» (деб). Бас, кириб, савол айладиларким: «Эй фарзанди, азизим, нечунсан? «Айдиларим «Беморлик ранжиға ниҳоят йўқтур. Ва мундин зиёдароқ гурусначилик очлиқни дардиким, анга ҳеч тақотим йўқтур. Емакка ҳеч нарса мавжуд эрмас».

Ҳазрати расул алайҳи салом айдиларким: «Эй фарзандим, сабр қилғил. Ҳақ таоло даргоҳида сендин мен улуғроқдурман. Агар хоҳласам, менга ҳама дунёни берурлар. Ва лекин дунёдин кечиб, охиратни ихтиёр қилибдурман». Андин кейин (расулоллоҳ) муборак қўлларини Фотима разияллоҳу анҳонинг кифт (елка)ларига қўйиб, айдилар: «Эй фарзандим, сенга башоратким, ҳамма бехишт хотунларининг улуғи ва сайиидидурсен».

Ҳазрати Фотима айдиларким: «Фиръавнинг хотуни Осиё ва ва Исо алайҳиссаломнинг волидаси нечукдур?»

(Расулоллоҳ) айдиларким: «Улар ҳам ўз қавмининг саийидидур. Ва лекин сен ҳама (қавмларнинг) саийидисан. Андин сўнг айдиларким: «Фахр ва навозиш қилғил Алиниким, дунё ва охиратнинг саийидидур».

Ривоят қилибдурларким, бир киши ҳазрати Исо алайҳиссаломга айдики: «Ё, расулоллоҳ, сиз бирла ҳамсуҳбат бўлмоқни хоҳларман». Ул киши бир нонни ўғурлаб олди. (Исо алайҳиссалом) келиб, сўрадиларким: «нонни ким олди?» Ул киши айдики: «Билмасман». Бас, андин юриб эрдилар, кўрдиларким, бир кийик икки боласини олиб борадур. Исо алайҳиссалом (улардан) бирини чақирди. Келди эрса, ўлтириб, кабоб қилиб, икки кун (сер) тўқ бўлдилар. Бас, дур қилдилар: ул кийик тирилиб, онасига қўшилди. Ул кишига айдиким: «рост айтғилки, бу мўъжизани кўрдунг, ул нон қаён кетти? Ул киши айди: «Билмасман».

Андин юриб, бир дарёга еттилар. Исо алайҳиссалом ул кишини қўлидан тутиб, сувнинг юзида манғиб, эндилар (юриб келдилар).

— Ул худои азза ва жалланинг ҳурматиким, бу мўъжизани сенга кўрсатди, рост айтғилки, нон қаён кетди? — деб сўрадилар. Ул киши айдики: «Билмасман».

Андин юриб, бир ёбонга етдилар. Исо алайҳиссалом бу ерда тўда-тўда туфроқ жамъ қилиб, дуо қилдилар — ҳаммаси олтин бўлди. Бас олтинни уч ҳисса қилдилар. Айдилар: «Бир ҳиссасини ўзим олурман бир ҳиссасини сен олғил. Яна бир ҳиссасини ул нонни олғон кишига берурман.

Бас, ул киши нафсининг ғолиблиғидан, олтинни кўриб, иқрор қилдиким «Нонни олиб эрдим». Исо алайҳиссалом «Олтинни ҳаммасини сен олғил, деб буюриб кетди. Ул киши олтинни йиғинтирмоқ фикрида қолди. Бу аснода икки киши бу ерга етиб келди. Эрса ул киши бу икковни олтинга шерик бўлмоғидан рашк ва ҳасад қилиб, фикр қилдики таомга заҳар қўшиб бериб, бу икковни ҳалок қилғай.

Айдиким: «Гуруснага (очга) ўхшайсизлар, таом келтирайин, ани еб, андин сўнг, олтинни тақсим қилиб олғаймиз», деб, таом келтурмакка борди. Бу икковлон иттифоқ қилдиларким: Таом келтирган соати, ани ўлдириб, олтинни икковлон олғаймиз». Бас, ул киши таом келтирди. Ани тутиб, ўлдирдилар,Андин кейин бу икков таомни захролудни еб, ҳалок бўлдилар.

Исо алайҳиссаломнинг кўзи олтунга тушди. Кўрдиларким, ҳар уччови ўлибдур. Олтун анда қолибдур. Айдиларким:

Аҳли дунёнинг ҳоли ушбудурким, ҳасрат ва надоматдин ўзга нима ҳосил қилмаслар. Бу тоифадин ҳазар қилмоқ керак.

Бас, бу ҳикоятдин маълумдурким, ҳарчанд ўзига эътимоду бўлса ҳам, дунёга фирифта бўлуб (алданиб) миқдори ҳожатдин зиёдаға қарамағайким, ҳалокати еткурур. Валлоҳу аълам (Оллоҳ — билгувчидур).

Жоҳ ва ҳашамат дўстлиғи иложида

Билғилки, аксар халқ жоҳ ва (обрў, мансаб) ва хашамат талабдур. Яхши от чиқармоқ жусту-жўйида (ҳаракатида) ҳалак бўлубдур. Муноқаша (жанжал, тортишув) ва адоват (душманлик) ва маъсият (гуноҳ ишлар) ушбу жиҳатдин пайдо бўлубдур.

Вақтики, жоҳ ва ҳашамат завқи пайдо бўлса, дини ислом йўлиға сад (тўсиқ) бўлур. Ва дил нифоқ ва ҳиёнат ва ихтилофга олуда бўлур. Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдурларки: «Жоҳу мол нифоқни кўнгулда андоғ ундирурким, сутрани ундургандек. Яна айтибдурларким: Икки-уч бўри қўйлар орасига аввал табох ва шўршони солмаским, мол ва жоҳ дўстлиғи мусулмонлар қўнглиға солғом мисллик.

Ҳазрати Али, карамоллоҳу важҳаҳури, айтибдурларким, халқни икки нимарса ҳалок қилур: бири-Ҳақ-таолонинг муҳаббатидин махрумлиғ, яна бири-мол, дунёни дўст тутмоқ. Бас бу офатдин ул киши ҳалос бўлурким, яхши ном изламаса ва фақирлиққа қаноат қилса.

Чунончи, Ҳақ таоло каломи мажидда хабар берур: Тилка ад-дори ала-охирати нажъалаҳо лил-лазийна ло йўридуна улван.

Оятни тафсири улки: Оҳират саодатини ул тоифаға ато қилурманким бу дунёнинг жоҳ ва улуфлиғи (хашаматини) изламагай.

Ҳазрати расул алайҳиссалом айтибдилар: «Аҳли бехишт ул тоифадурлар ким, бу оламда ҳок-олуда (хокисар) савлида, мўйи ва эгни куйук ва ҳеч ким уларни (одам) санамас. Агар амирлар уйига кирмакни ҳоҳласа, дастур (йўл) бермаслар. Ва агар хотун олмоқни хоҳласа ҳеч ким қизини бермас ва анинг сўзини англамаслар. Ва муҳаббат орзуси сийнасида андоғ жўш уруғлиқким, агар ани нурини ҳама олам аҳлига қисмат қилсалар кифоят қилур».

Ва яна айтибдурлар: Бисёр хоколуда (хокисор) ва йирткич-чопонлардурким, агар дунё ва охиратни хохласа (Худои таоло) уларга берур». Ва айтибдурлар: «Умматимдин тўла (кўпчилик) кишилар бордурким, агар сизлардан бир нима тиласалар, бермассиз. Аммо, Ҳақ таолодин бехишт тиласа берур. Дунёни ҳавар (хор) тутган жиҳатидан уларга бермабдур, арз тутғон жиҳатдин эрмас.

Ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу айтурлар: «Масжидда маоф разияллоҳу анҳунинг кўрдумки, йиғлайдур. Айдики, «Нима учун йиғларсан? Айди: Расул алайҳиссаломдин эшитдимки айтиб эрдилар: Андак риёшуркдур, Ҳақ таолони дўст тутарсизлар дин пархезкорлар сангларқи ва буларғаким, агар ғойиб бўлсалар, киши уларни изламагай. Агар ҳозир бўлса киши уларни танимагай ва уларни кўнгли чироўлик равиш ва ҳамма зулмат ва шубҳалардан узулган.

Бишир Ҳофи алайхир раҳма айтдур: Кишиким, анинг кўнглида халқға (танилиш) орзуси бўлса дини табоҳ (вайрон) дунёда расво бўлғонидур Валлоҳу аълам.

Жоҳ ва ҳашамат ҳақиқати баёнида

Билғилки, жоҳнинг, маъниси улки, мулку молнинг марғубдири (кўнгли тилаганлари) анинг тасарруфида бўлғай. Бас, жоҳ ва ҳашамат улдурки, халқ анинг тобеи ва мусаҳҳари ва мол, дунё анинг тасарруфида бўлғай. Халқ уни хўбликда ва улуғликда билғай.

Бас, жоҳ ва ҳашамат баъзиларнинг назарида мол-дунё дин бехрикдур. Бу важҳдинким, ҳама хожат жоҳ ва ҳашамат бирла бўлур.

Иккиси улки мол-хатар ва ҳалокат (ли) дурки, ўғри олмоқ ва (талон) тарожға кетмоқ ёвуздир (эҳтимоли яқин). Аммо жоҳ ва ҳашамат бўлардин эминдир. Учинчи-тижорат ва деҳқанат ранжи ва машаққати бўлмай, мол ҳосил бўлмас. Жоҳ ва ҳашаматға (эса) бу навъ машаққат лозим эрмас.

Ва лекин одамзод табъи тақоза қилурким, номи ва овозаси йироқ шаҳарларға етғай ва ҳама олимлар анинг тасарруфида бўлғай. Агарчи, буларға ҳожати бўлмаса ҳам.

Бас, одамийда бу ҳислат бўлмоқда сири бордурким, одамни (кўнглини) фариштаслар гавҳаридин халқ қилинғордур. Асрори илоҳийнинг маҳалли- (ўрни)дур. Чунончи, Ҳақ таоло ҳабар берибдур:

Қул: Ар-руҳ мин амри раббий

Бас, зиёдат ва улуғликни тақоза қилурким, ҳазрати рубубиятга (илоҳият ва) муносиб. Амин жиҳатидиндир. Бас, ҳар киши рубубиятни (буюкликни) табиатан дўст тутар. Рубубиятнинг маъниси улки, ҳаммани анинг тасарруфида қилғай ва ҳеч киши анга шерик бўлмағай ва лекин одам бу мартабада бўлмоқдин ожиздур.

Чароки, мавжудот икки қисмдур. Аввалги қисм улки одамийнинг анга тасарруфи этмас. Чунончи осмонлар ва ситоралар ва малоика ва шайётин ва ул нимарсаларки, заминнинг тақтида (устида) дур ва қарида ва тоғлар остидур. Иккинчи қисм — одамларнинг тасарруфига сиғар: чунончи, рўйи замин устига икки нимарса-наботат (ўсимликлар) ва ҳайвонот ва жумодот. Одамий хоҳиш қилурким, ҳаммаси анинг тасарруфида (қўл остида) бўлғай. Токим ўзининг қудрати ғолиблиги маълум бўлғай.

Бас, одамий мол ва жоҳна дўст тутмоғининг сабаби ушбудур.

Савол: Агар киши десаки, агар одамзоднинг таъби рубубиятни дўст тутса илм ва қудратсиз бўлмас. Бас, илм талаб қилмоқ маҳмуд (мақтовга лойиқ) ва марғуб (ёқимли) эрди, мол, жоҳ талаб қилмоқ ҳам маҳмуддур? Бўлғайким дарҳақиқат қудрат талаб қилғон бўлурким қудрат Ҳақ таолонинг сифоти комиласидиндур.

Жавоб улдурки, илм ва қудратнинг ҳар иккиси Ҳақ таолонинг сифати комиласидур. Ва лекин, одамийға илм ҳақиқатини касб қилмоқға йўл йўқтур. Чароки, илм-сифати комиладурки, агар одамийда (илм) ҳосил бўлса, охиратга бирга борур. Ва қудратнинг мол ва доҳға тааллуқи бордурки, ўлмак бирла бу кишидин манқатеъ бўлур (ажралар). Бас, ҳар нимарсаеки, ўлмак бирла манқатеъ бўладур ва ал-боқиёт ва ас-солиҳот жумласидин эримасдур, анинг талабида умрини зоя қилмоқ жаҳолатдур.

Бас, қудрат ончилик кифоят қилурким илм ҳосил қилмоқға ва илм кўнглида барқарор бўлмоқи васила бўлғай. Вақтеки, олим бу оламдан борса нур (ҳосил) илм бўлурким ул нур билан Ҳақ субҳонаҳу ва таоло жамоли бокамоли нурини мушоҳада қилурким у, жамол мушоҳадаси лаззатиға насиб қилмоқ. Асли бехишт лаззатидан аълорокдур. Бас, (асл) илмнинг ботил ва фоний бўлур. Нарсаларга таъллуқи йўқтур. Балки, Ҳақ таолонинг зоти ва сифоти ва олами малакут ҳикматларига ва маълуқот (оқилона нарсаларга) таъллуқли. Бордурки ҳаммаси азалийдир ва ҳеч қайси (жиҳати) фоний эрмасдур.

Аммо, илмки, фоний нимарсаларға тааллуқи бор-ҳеч қадр ва қиймати йўқдур. Чунончи, ўйин ва кулгу лавозимини билмоқ ва илм асбобига лозим нарсаларни билмоқ керакким, ҳаммаси ҳодис ва фонийдур. (Ўткинчи ва йўқловчидир).

Бас, қудрат ва шарофат ул илмдадурки, Китоб ва суннат яъни, оёт ва аҳодис маънисини билмакка сабаб ва Ҳақ таоло маърифатини ҳосил қилмоққа васила ва бойис бўлғай. Ва (анга) диний ислом қаттиқ ва юмшоқ (меҳрибон) раҳбар бўлғай. Бас, одамни Ҳақ таолога яқин қилгувчи илмдур, куч қудрат эмасдур. Магар бир нав қудратким, илм бандани Ҳақ таолога яқин қилур. Чунончи ҳар киши ўз нафсига қодир, бандани Ҳақ таолога яқин қилур, чунончи, ҳар киши ўз нафсига қодир бўлмоғики, нафснинг фиск-фасодини, ҳавойи ҳаваларини монеъ қилмоққа (яъни, тийишга) қодир бўлмоқлиги ҳар бандани Ҳақ таолога ҳуш келувчи сифатларни эгаллашга ва фаришталарнинг сифоти ҳамидаларини ҳосил қилишга яқин қилур.

Маҳкам МАҲМУД, Абдуллоҳ ҚУЛОҲИЙ тайёрладилар.

Бу турфа олам

МАЙДА МУЗЛИКЛАР

● Америкалик олимлар Нептун, Уран ва Плутон сайёралари юзаларининг фотосуратларини тадқиқ қилишиб, улар коинотдаги жуда кўпдан-кўп муз парчалари билан тўқнашганликларини эътироф этишди.

Самода эркин учиб юрувчи музликларнинг кесими бир-икки минг километр атрофида бўлиб, «муз карликлари» номини олган. Мана шундай тўқнашувлар орқасида Уран сайёрасининг айланиш ўқи ҳозирги вақтдагидек бўлишига, Нептуннинг жуда йирик йўлдоши Тритоннинг пайдо бўлишига олиб келган. Мана шундай кучли тўқнашувлардан бири Плутонни иккига бўлиб юборган ва унинг ягона жуда катта йўлдоши Хароннинг вужудга келишига сабаб бўлган.

ГАЗ ВА САЙЁРАМИЗ ҲАРОРАТИ

● Америкалик олим Ж.Марстон бошчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар сўнгги ўттиз йиллик давр ичида ер курраси турли жойларидаги ойлик ҳароратининг карбонат ангидриди гази миқдори ўзгариши билан боғлиқлигини исботладилар. Айниқса, мазкур газнинг ҳарорат билан чамбарчас боғлиқлиги Экватор атрофларидаги жойларда жуда сезиларли эканлигини тажрибалар кўрсатди. Унинг миқдори, яъни ҳаводаги концентрацияси камайганда ҳарорат ҳам пасайиши сезилади, лекин «иссиқхона самараси»ни ҳосил қилувчи газнинг тропик денгизлар исиши ёки совушидан бироз вақт орқада юриши ҳам ўрганилди. Бу метеорологик омил сири янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

АСКОРБИННИНГ ҲОСИЯТИ

● Кўрғошин, хром, кадмий, молибден каби ва бошқа металлар канцероген хусусиятли оғир металлардан ҳисобланиб, атроф-муҳитни бузувчи унсурлардир. Мана шу масалани янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Н.И.Вавилов номидаги генетика институти ходимлари Шимолий Осетиядаги Коста Хетагуров номли университет олимлари билан ҳамкорликда молибден цехида ишловчи кишиларнинг танасида хромосомлар таркиби ўзгаришини ўрганиб чиқишди. Иш стажи 1,5 йилдан 3 йилгача бўлган ишчилар бадани текширув ўтказилганда йиғилган аммоний молибдат томонидан лифоцитларнинг дезоксирибонуклеин кислотасининг парчаланган қисмини қайта тиклашдаги ролини аниқлашда ва бу борада аскорбин кислотасининг дармон сифатида хизмат қилаолиши мумкинлиги аниқланди. Аскорбин кислотасининг инсон жисми учун фойдали эканлиги аниқланди ва уни оғир металлар ишлаб чиқариш саноатида хизмат қилувчи ишчилар учун дармон дори сифатида бериб турилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

ОЛМОС МАЙДАСИ ИҚТИСОД ҚИЛАДИ

● Оптик-физик ўлчовлар илмий-тадқиқот институтида (Москва) олмос қирқиш асбобини регенерациялаш технологияси яратилди. Нефть, газ ва бошқа ер ости бойликларини қазишда ҳамда бурғулаш ишларида қўлланиладиган олмос майдаси қўлланилиб ясаладиган асбобни қайта тиклаб ишга солишдан жуда катта иқтисодий фойда берувчи янги технологиянинг дунёда ўхшаши ҳали йўқлиги сабабли унга қизиқиш катта бўлмоқда. Бунинг боиси янги технологияда олмос майдаси 50 фоизгача иқтисод қилиниб, саноатга миллионлаб маблағни тежаш имконини бермоқда.

ҲИНДУҚУШДАГИ ЕР СИЛКИНИШЛАРИ СИРИ

● Нью-Йоркдаги Колумбия университети илмий ходимларининг маълумотларига қараганда, Ҳиндуқуш тоғлари остида бўладиган ер ости силкинишлари сабаби ўзига хос хусусиятга эга экан. Ҳиндуқуш тоғлари остки қисми планетамизнинг «геологик исканжадаги» жойлардан ҳисобланиб, Ҳинд ва Осиё литосфера плиталари учрашганида ер ости силкинишларини вужудга келтиради. 1991 йилнинг 31 январида рўй берган салкам етти балли ер силкиниши ана шундай ҳодисалардан бири эди. Бу табиий ҳодисанинг ўзига хос хусусияти — силкиниш ўчоғининг анчагина катта чуқурликларда рўй бериши ва узоқ узоқларгача етиб боришидир. Айтилган мазкур мисолда силкиниш минг километр узоқликда бўлган Деҳлида, Покистонда ва Тожикистонда ҳам қайд қилинганлиги таъкидланган.

КОИНОТДА ЯГОНАМИЗМИ?

● АҚШнинг Калифорния штатидаги Астронавтика марказида Ердан ташқаридаги Коинот жисмларида ва ўзга оламда тирик мавжудот борйўқлигини текшириш мақсадида илмий кузатув ишлари бошлаб юборилганлигига салкам беш йил бўлди. Бунинг учун Қуёш сингари мингдан ортиқ юлдузлар танлаб олинган бўлиб уларнинг Ердан узоқлиги 80 нур йилига тенгдир. Марказда Коинотдан келувчи барча сигналлар ёзиб олинади, радиолокацион нурлар ва Ой юзасини ўрганувчи радарлар ҳаракатига аҳамият берилади. Айниқса, ташқи дунёдан қайтадиган жавобларга муҳим ўрин берилади, буларни тушунишга уринилади. Кузатувларда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини тўла қўлланилган ҳолатда ЭҲМ ва компьютерлардан кенг фойдаланиляпти. Янги маълумотлар шу йил охирида эълон қилиниши кўзда тутилмоқда.

Тўпловчи Қудрат АҲМЕРОВ, кимёгар.

Футбол

ҚЎПОЛЛИК ЧЕГАРАСИДАН ЧИҚҚАНЛАР

Бир учрашувда тўққиз ўйинчини огоҳлантириш, икки футболчини майдондан чиқариб юбориш футболимиз тарихида содир бўлмаганди

Ўтган куни 15 минг томошабин МХСК — «Пахтакор» учрашувидан ниҳоятда ранжиб қайтдилар. Тўғри, кучли рақибларнинг ўзаро баҳси ҳамиша кескин ўтади. Лекин, ҳақиқий, чинакам спорт қураши билан қоидабузарлик, қўполлик бир-бирига зиддир. Мазкур учрашувда футболчиларнинг тўпни эмас, балки, рақиблари оёғини мўлжалга олиши, чалиши, ҳакамлар билан низога бориши, тўпни атайлаб четга тепиб юбориши муҳлисларни ранжитди. О. Усмонхўжаев, М. Қурбонов, Б. Ашурматов, Д. Назаров, А. Хошимов, Ш. Мақсудов, Ж. Абдураимов, Б. Қамбаралиев, А. Хутинлар огоҳлантириш олдилар. С. Моргулис билан Ҳ. Эргашев эса майдондан чиқариб юборилди. Тажрибали ҳакам Г. Имомов тартиббузарларга қаттиққўл бўлди, қоидабузарларни жазолади. Бироқ, ўйин мухлисларда ёмон таассурот қолдирди. Узоқ йиллик тажрибали мутахассислару, кекса мухлислар бир учрашувда бунчалик кўп ўйинчилар жазоланганлигини эслай олмайдилар. Умуман, бундай учрашувлар футболимиз обрўсига ошкора путур етказади, холос. Ҳар иккала жамоа раҳбарлари, қолаверса, Ўзбекистон футбол федерацияси зудлик билан бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олмоғи лозим.

Учинчи тур натижалари билан танишинг: МХСК — «Пахтакор» — 0:1, «Нефтчи» — «Наврўз» — 3:1. «Динамо» (С) — «Сўғдиёна» — 2:1, «Трактор» — АСК — 4:0, «Янгиер» — «Косонсой» — 1:1, «Машъал» — «Навбаҳор « — 0:3, «Нурафшон» — «Динамо» (У) — 5:0, «Атласчи» — «Дўстлик» — 2:1. Тўрт турдан сўнг 10 очко тўплаган «Навбаҳор» футболчилари якка пешқадамлик қилишмоқда.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки»
Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
18, 19 МАЙ СОАТ 12.00 ДА 15.00 ДА
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ТОМОШАЛАР
ДАСТУРДА — Цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади, ҳамда ўргатилган илонлар, айиқлар, туялар ва кучукчаларнинг чиқишлари.
МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-29-04, 44-35-91.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
ЧИПТАЛАР ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ВА НАҚД ПУЛГА СОТИЛАДИ.

«Долен-Л» шахсий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой муҳлат ичида қабул қилинади. Т: 47-18-29.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман кенгашининг биринчи котиби Рихсивой Маҳаматовга онаси

Ачагул ая ЮСУФАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0245. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10060нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 20.00 1 2 3 4 5 6